

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ

СУЮН КАРИМОВ

БАДИИЙ МАТННИНГ УСЛУБИЙ
АЛОМАТЛАРИ

САМАРҚАНД–1992

Каримов С.А. Бадиий матннинг услубий аломатлари. Ўқув қўлланмаси. – Самарқанд: СамДД нашри, 1992. 44 бет.

Маълумки, ҳеч бир халқнинг тили ва адабиёти ўз қобилигига ўралган ҳолда, ташқаридан бўладиган таъсирларсиз ривожланиб бормади. Халқларнинг ўртасида бўладиган ижтимоий алоқалар албатта тил ва адабиётда ҳам ўз аксини топади. Бинобарин, бундай таъсир ўзбек тили ва адабиётига ҳам бўлган.

Бу таъсирни шартли равишда икки даврга – ўзбек адабий тили бадииятининг ривожига XIX асрнинг II ярмигача ва ундан кейинги, яъни то ҳозиргача бўлган даврга бўлиб қараш мумкин. Биринчи даврда унга араб, форс-тожик ва қисман ҳинд, юнон-грек тилларининг таъсири, иккинчи қисмида эса рус ва у орқали Европа тиллари ҳамда адабиётларининг таъсири сезиларли бўлган. Қўлланмада ана шу хусусда сўз юритилади.

Айтилган гаплар бадиий матннинг ўзига хос хусусиятлари, ундаги тил элементларининг лингвистик чегараланишлари ва бундан келиб чиқадиган бадиий услуб ҳақидаги умумий билимнинг бир қисми сифатида қаралиши керак.

Қўлланманинг юзага келишида ўзининг беминнат маслаҳатларини аямаган филология фанлари доктори Б.Бафоевнинг ҳамда билдирган танқидий мулоҳазалари учун филология фанлари номзоди Б.Йўлдошевга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

Масъул муҳаррир: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, филология фанлари доктори,
профессор Р. Қ. ҚЎНГУРОВ,
Т а қ р и з ч и: филология фанлари номзоди,
доцент Б. ЙЎЛДОШЕВ

70103
К----- 92
М382(04) – 92

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунуни, 1992

КИРИШ

Ҳар бир адабий тилнинг вужудга келиши ижтимоий-тарихий жараёнларнинг маҳсули бўлгани каби, ундаги функционал стилларнинг шаклланиш тараққиёти ҳам бевосита ана шу жараёнга боғлиқ. Шундай экан ҳар бир тилдаги услубларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тилнинг ўзи қадар узоқ даврларни қамраб олади.

Маълумки, адабий тилнинг пайдо бўлишида ёзув етакчи роль ўйнайди. Аммо, адабий тилнинг оғзаки шакли ҳам халқ оғзаки ижоди тарзида айрим халқлар ижтимоий ҳаётида адабий тил вазифасини бажариб келганлиги маълум.

Ўзбек тили ва адабиётининг бошланиш даври салкам минг йиллик тарихни ўз ичига олади. XI асрдан чинакамига ривожлана бошлаган ўзбек бадиий ижодининг бир қадар мураккаб йўллардан борганлигини эътиборга оладиган бўлсак, унинг XIX аср иккинчи ярмигача бўлган даврини бир ва ундан кейингисини иккинчи бир босқич сифатида ўрганиш мумкин бўлади. Агар масалага шундай қараладиган бўлса, биринчи давр ўзбек бадиий услубига Шарқ адабиётининг бевосита, иккинчи даврга эса Европа адабиётларининг билвосита таъсири сезиларли даражада бўлганлиги эски ва ҳозирги ўзбек поэтик тил бойлигидан билиниб туради.

Дарҳақиқат, «ўзбек тилининг қадимий туркий негизи, кейинчалик ўзбек элати тили ўзининг тарихий ривожидан бириқиб бир қатор тиллар билан тўқнашган ва ўзаро алоқада бўлган. Булар қадимий эроний тиллар (қадимий суғд тили, қадимий хоразм тили), қадимий олтой ва хитой тиллари; қадимий грек ва ҳинд тили; араб тили, мўғул тили, қадимий уйғур тили; классик форс-тожик тили ва тожик халқ тили ва ниҳоят рус тилидир».

Шарқдаги кўпгина халқларнинг тили ва адабиёти, умуман маданияти тарихида арабларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши билан боғлиқ таъсири маълум бўлиб туради. Бу таъсирни ўзбек классик адабиётининг, қолаверса ўзбек адабий тилининг шаклланишида ҳам пайқаш мумкин. Бутун Шарқда араб тилининг ҳукмрон бўлганлиги билан боғлиқ равишда унинг эроний, туркий халқларнинг маданиятига, адабиётига ва тилларига ўтказган таъсирини бу тиллардаги ва адабиётлардаги анъанавий образлар, кўплаб сўз ва сўз бирикмаларидан англаймиз. Ҳатто бир қанча эроний ва туркий халқлар поэтик услуби шаклланишининг дастлабки босқичида араб тили ва адабиёти намуна бўлганлиги бу тилларда яратилган ижод намуналарида кўринадди.

Бунинг сабаби шундаки, «ўша даврда Ўрта Осиёда тарқалган классик араб тили луғат составининг бойлиги, илмий атамалари поэтик услуб лексикасининг ранг баранглиги билан характерланар эди. Бу тилда қадимги грек маданияти намуналарини ўқиш мумкин бўлар эди. Хуллас, араб тили адабий тил сифатида анча ишланган, силлиқланган тил эди. Бу фазилятлар араб тилида илмий асарлар ёзишни анча осонлаштирар эди. Масаланинг мана шу томони ҳам араб тилига эътиборни кучайтирган бўлиши керак. Алишер Навоий араб тилининг устунликларини ижобий баҳолаган.

...Араб тили деярли 300 йил давомида ўзбек, тожик ва бошқа бир қатор халқлар учун умумида адабий тиллик вазифасини бажарган».

Араб тили ва адабиётининг таъсирини дастлаб жанрларнинг пайдо бўлиши ва тараққиётида кўриш мумкин. Шу нарса характерлики, бадиият тарихида адабий жанрнинг пайдо бўлиши, уларнинг тиллар тараққиёти босқичларидаги аҳамияти бир хил эмас. Буни араб арабий тили тарихида ҳам кўриш мумкин: VI-VII асрларда қадимги араб адабиётида поэзия ва хусусан ундаги қасида жанри етакчи бўлган, Ғоя сифатида қабул қилингандан кейин эса ислом адабиётига ҳам маълум таъсирини ўтказди. Қуръоннинг қофияли проза - сажъда ёзилиши классик араб адабиётида прозани ҳам етакчи жанрга айлантирди. VIII-IX асрга келиб араб адабиётида ғазал жанр сифатида шаклланди. Унда ҳозирги тасаввуримиздаги ғазалнинг барча ўлчовлари йўқ эди, албатта. (Масалан, шулардан бири радиф . У кейинчалик, XII асрларда фарс-тожик адабиётида пайдо бўлган).

VIII-X асрларда араб филологияси, араб тилшунослиги, хусусан, лексикографияси жиддий ривожланди, адабиётда кўплаб адабий жанрлар шаклланди. IX аср охирларида халифотнинг инқирози ўсиб бориб, у исломда ҳам сезила бошлади. Бунинг бевосита таъсири XI аср бошларидан араб классик адабиётида ҳам кўринади.

X асрлардан бошлаб араб тили ва адабиёти Хуросон, Мовароуннаҳрда бадиий ижод соҳасидаги етакчилик ролини форс-тожик тили ва адабиётига берди. «Бу даврга келиб форс адабий тили ўша вақтда давлат, адабиёт ва дин тили бўлган араб тилини сиқиб қўяди ва истеъмолдан суриб чиқаради.

Форсий адабий тил араб тилини дастлаб шеърий соҳасидан сиқиб чиқаради. Бу жараён XI асрда батамом форс тилининг ғалабаси билан тугалланади. Форсий тил фан, адабиёт ва маданият тилига, расмий давлат тилига айланади...

Форс-тожик тилининг расмий давлат тили, дунёвий адабиёт тили экани бу тилнинг обрўсини жуда оширади. Натижада бу тил маҳаллий туркий тилларга, жумладан ўзбек тилига кучли таъсир ўтказди».

X-XV асрлар форс-тожик адабиётининг энг равақ топган ва жаҳон адабиётига Рўдакий, Фирдавсий, Носир Хисрав, Умар Ҳайём, Санойи, Фариддин Аттор, Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий ва Абдурахмон Жомий сингари классикларни берган даврдир.

Шунинг учун ҳам «Бадиий матннинг лисоний таҳлили» курсида тилимиз ва адабиётимиз тараққиётига ташқаридан бўлган таъсирнинг, хусусан араб ва форс-тожик тиллари ҳамда адабиётлари, қисман грек-юнон ва ҳинд тиллари таъсирининг объектив сабаблари тўғрисида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир.

ЎЗБЕК ТИЛИ БАДИЙ УСЛУБИ ВА ШАРҚДАГИ АНЪАНАВИЙ АДАБИЙ ЖАНРЛАР

Маълумки, ўзбек классик адабиёти асосан поэтик асарлар тарзида шаклландир. Бинобарин, юзага келган жанрлар тараққиёти ҳам поэзия ривожи билан боғлиқ бўлган.

Ўзбек тили тарихида бадиий услубнинг шаклланиши ва тараққиётида шеърий санъат ва жанрларнинг хизматлари алоҳида таъкидланар экан, уларнинг пайдо бўлиши тилимизнинг поэтик табиатига мос келиши ва шунинг учун ҳам уларнинг илдишлари, энг аввало, қадимги туркий халқлар оғзаки ижодига бориб тақалишини таъкидлаш зарур.

Айрим фактларга диққатимизни жалб қилайлик. Ўзбек классик шеъриятидаги туюқ жанри бобода мулоҳаза юритар экан, Алишер Навоий бу жанрнинг жуда қадимийлигини қайд қилиб ёзади:

«Чун парию хурдур отинг, бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг бегим.
Ҳар хадангиким, улус ондин қочар,
Нотавон таним сари отинг бегим.

Ва бу икки байтки, тажнаси томдур, ҳам турк шуароси хоссасидурки, сартда йўқтур ва муни туюғ дерлар».

Туюқнинг намуналари «Девону луғотит турк», «Кутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ» каби ёдгорликларда кўзга ташланиши тадқиқотчилар томонидан эслатиб ўтилган.

Бу тарздаги фикрлар ўзбек классик поэзияси илмининг билимдонлари бўлган мутахассислар томонидан шеъриятдаги маснавий, рубоий, қитъа, мусаммат, муаммо, қасида, мунозара каби қатор анъанавий жанрларнинг шаклланиши ва тараққиёти хусусида ҳам билдирилган. Масалан, рубоий тўғрисидаги куйидаги фикрларга эътибор берайлик: «XII-XIII аср адабиётшуносларидан Шамсиддин Муҳаммад Қайс Розий юқорида зикр қилинган асарида («Ал-мўъжам фи маосири ашъор ул-Ажам»да – С.К.) рубоий аввал «тарона» ва «дубайтий» номи билан юритилиб, кейинроқ уни араб сўзи бўлган «рубоий»га алмаштирганлар деб ёзади. Қайс Розийнинг бу фикри Е.Э.Бертельснинг

«жуфт қофия арабларга маълум эмасди, улар рубоидан ҳам хабардор бўлмаганлар. Аммо рубоид Урта ва Марказий Осиёдаги турли хил туркий халқлар фольклорида жуда қадимдан бери мақбул бўлиб қолган шакл эди» (Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы, с. 88) деган илмий хулосасинилари олиб борган. Қ.Каримов ҳам шу фикрни тасдиқлашларини қайд қилиб, шундай хулосага келади: «Демак, рубоиднинг форсий ва туркий халқлар, жумладан, ўзбек адабиётида юзага келиши ҳамда шаклланиши миллий адабий анъаналар, фольклор чашмалари билан боғлангандир»

Қасида жанрининг тадқиқотчиси М.Зиёвиддинов ҳам бу жанрнинг шаклланишида даставвал туркий халқларнинг қадим шеърляти асос бўлганлигини таъкидлайди. Олимнинг кўрсатиб ўтишича, қадимий туркий шеърлятда қасида хусусиятлари бўлган «қўнуғ» деб аталган жанр мавжуд бўлган.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида ёз ва қиш ўртасидаги баҳснинг берилиши эса мунозара жанрининг замири ўзбек ва бошқа туркий халқлар поэзиясида халқ оғзаки ижоди – қадимги обидаларга бориб тақалишидан гувоҳдир.

Классик шеърлятдаги мусамматларни атрофлича ўрганган О.Носиров унинг илдишлари ёзма шеърлятдан анча илгари халқ ижодида пайдо бўлганлигини айтиб ўтади: «Худди шунингдек ҳолатни туркий халқлар, жумладан, ўзбек адабиётида ҳам кўриш мумкин:

Бунинг ёрқин мисоли Маҳмуд Қошғарийнинг «Девон»ига кирган банд асосига қурилган кўпгина шеърлардир. Шунинг учун ҳам ўзбек классик адабиётидаги мусамматларнинг пайдо бўлиш омиллари ва замин илдишлари тўғрисида гапирганда, биринчи навбатда, туркий халқларнинг бой оғзаки меросини назарда тутмоқ керак. Чунки бой оғзаки мерос туюқ, рубоид, ғазал сингари лирик жанрларнинг пайдо бўлиши ва камолотга эришувида катта роль ўйнагани каби мусамматларга ҳам замин бўлди (Э. Рустамов. Узбекская поэзия в первой половине XV в.)

Демак, ўзбек классик поэзиясида мавжуд бўлган кўплаб шеърлий жанрларнинг илдишларини даставвал туркий халқлар оғзаки ижодидан ахтариш лозим бўлади.

Шу билан бирга, ўзбек бадиий услубининг кейинги ҳар томонлама ривожидида араб ва форс-тожик тили ва адабиёти бой анъаналарининг хизмати ҳам сезиларли эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Классик шеърлятимизда пайдо бўлган ғазал, маснавий, қитъа, муаммо сингари жанрларнинг пайдо бўлиши ва ижодий ривожлантирилиши бунга мисол бўла олади.

VIII-XV асрлар Шарқ адабиётида араб, форс-тожик адабиёти классиклари жанрларнинг сон жиҳатдан кўпайишида ва уларнинг аввалдан амалда бўлган бошқа жанрлар билан тенг мавқега эга бўлишида самарали меҳнат қилдилар. Бу икки халқ адабиёти Осиё, Африка, Европа қитъаларида, айниқса, мусулмон мамлакатларида поэтик адабий тил вазифасини бажарган. Таъкидлаганимиздек, поэтик услубнинг юксак намунаси бўлган ғазал араб адабиётида жанр сифатида VIII асрларда шаклланган бўлса-да, X аср форс-тожик адабиётида Рўдакий, XII асрда Саъдий Шерозийлар ижодида ҳар томонлама тўлдирилиб, XIII-XV аср Шарқ адабиёти классиклари Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ижодларида янада ўз баркамоллигига эришди.

Ўзбек классик адабиётининг ривожидида форс-тожик адабиётининг ҳам таъсири борлиги ўзбек классик адабиёти жанрларида ҳам кўрилади. «Ўзбек шоирлари учун форс-тожик классик шеърляти анъаналари ўзига хос бир мактаб эди. Улар бу поэзиядан ўрганиб, ундаги анъаналарни ўзбек поэзиясига тадбиқ қилар ва катта муваффақиятларга эришар эдилар. Ўша вақтларда эски ўзбек тилида ижод этган шоирлар, аввало, лирик турнинг кичик жанри – ғазалда ўз кучларини синаб кўрар ва бу соҳада форс-тожик шоирлари билан мусобақалашар эдилар.»

Бу нарса Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарини ёзишида ойдин кўрилади. Муаллиф дostonни арабча-форсча қофия, аруз назарияларини туркийча ижод қоидаларига бирмунча мослаштирган ҳолда ижод этган. Шунинг учун ҳам

И.В.Стеблеванинг «ўзининг пайдо бўлишига кўра бегона бўлишига қарамасдан аруз ва араб-форс қофияси ўзига қадимги туркий шеърят структурасида таянч нуқтасини топди ва янги поэтик нормага қаршилиқни енгиб ўтиб, туркий тил муҳитида мустақкамланди», деган фикрлари ҳақиқатга мос келади.

Ана шундай адабий таъсир туфайли ўзбек классик шеърятинида йигирмадан ортиқ мустақил жанрнинг юзага келганлиги XV аср адабиёти, хусусан, Алишер Навоий ижоди гувоҳлик бера олади.

Форс-тожик ва туркий халқлар адабиётларида X-XX асрларда асосан поэзия етакчи ижод тури бўлиб келганлигини ҳисобга олсак, мазкур адабиётларда бадиий услубнинг шаклланишида назмий ифода бирламчи роль ўйнагани аниқдир.

Ўзбек адабиёти ривожининг тарихий босқичларида бадиий услуб қачон ва қай тарзда шаклланишини кўрсатиш мақсадида, умумий тарзда бўлса-да, X-XV асрлар форс-тожик адабиёти классик-

Форс-тожик адабиётининг асосчиси Абуабдуллоҳ Жаъфар Рўдакий (858-941) Шарқ адабиётининг беш поэтик жанрида (қасида, маснавий, ғазал, рубоий, қитъа) ижод қилган бўлса, Саъдий Шерозий (1203-1292) тўққиз жанрда (қасида, қитъа, рубоий, маснавий, муфрадат, таржиъбанд, муламмаъ, мусолласот, ғазал), Амир Хусрав Деҳлавий (1253-1325) саккиз жанрда (қасида, ғазал, луғз, рубоий, қитъа, таржиъбанд, таркиббанд, маснавий), Ҳофиз Шерозий (1320-1389) ҳам саккиз жанрда (ғазал, қитъа, рубоий, маснавий, мухаммас, соқийнома, таржиъбанд, қасида), Камол Хўжандий (1401 йилда вафот этган) ўз ижодий фаолиятида етти жанрда (қасида, ғазал, қитъа, мустазод, рубоий, маснавий, муаммо) ижод қилиб, бир девон тартиб берган. Етук ижодкор Абдурахмон Жомий (1414-1492) эса учта девон тартиб бердириб, уларда ўн бир жанрда (ғазал, рубоий, қасида, қитъа, таржиъбанд, таркиббанд, маснавий, мураббаъ, баҳр ул-тавил, муаммо, фард) ёзилган асарларини жамлаган.

Маълум бўладики, форс-тожик адабиётида даврлар ўтиши билан айрим жанрлар истеъмолдан чиққан, бир шоир ижодида уларнинг сони кўпроқ бўлса, иккинчисиникида камроқ, бири ижод қилган жанрдан иккинчиси фойдаланмаган.

Ўзбек классик адабиётида Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Насриддин Рабғузий, Дурбек, Қутб, Хоразмий, Сайфи Саройи, Ҳайдар Хоразмий, Юсуф Амирий, Атоий, Сайид Аҳмад, Саккокий, Лутфий, Яқиний, Аҳмадий каби XV аср ўрталаригача бўлган давр ёки ундан кейин ижод қилган шоирларнинг асарлари жанрлар бўйича қараб чиқилганда улар нисбатан кам миқдорни ташкил қилганлигининг гувоҳи бўламан. Масалан, шу даврларда тузилган девонлар орасида Лутфий девони бирмунча тўлиқ саналиб, унда беш жанрдаги (ғазал, рубоий, туюқ, қитъа, достон) асарлар бор. Ўша даврда Лутфий қўллаган жанрлардан ташқари мунозара, нома каби жанрлар ҳам амалда бўлган. Девон тартиб берган ўзбек адабиётининг яна бир классиги Гадоий уч жанрда (ғазал, мустазод, қитъа) ижод қилган, Саккокийнинг сақланиб қолган кам сонли асарлари эса ғазал ва қасида жанрида ёзилган.

Алишер Навоийгача девон тартиб берган ўзбек ижодкорлари орасида ғазалларининг кўплиги ва назмий жанрларнинг қўлланиш сони жиҳатидан олдинги ўринларда турувчи Ҳофиз Хоразмий ғазал, рубоий, қитъа, қасида, таржиъбанд, мухаммас, мустазод, марсия, таркиббанд жанрларида ижод қилган.

Ўзбек поэтик адабий тили ва классик адабиётининг асосчиси, ўзбек бадиий услуби ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларининг мукаммал билимдони Низомиддин Мир Алишер Навоий (1441-1501), юқорида таъкидлаганимиздек, Шарқ адабиётининг йигирмадан ортиқ жанрида қалам тебратиб юксак ва такрорланмас бадиий асарлар яратиш билан бир қаторда туркий тилнинг обрўйини яна ҳам баланд даражага кўтарди.

Ўзбек бадиий услубини эгаллаш, унинг ифода усулларини такомиллаштиришга Алишер Навоий ёшлигиданоқ киришган ва бунга тўлалигича эриша олган эди. Шоирнинг XV асрнинг 70-йилларида дастлаб ўзи тартиб берган «Бадойиъ ул-бидоя» девонига ўн бир

жанрдаги (ғазал, мустазод, мухаммас, мусаддас, таржиъбанд, қитъа, рубоий, луғз, муаммо, туюк, фард) асарларини киритган.

Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» асарининг тўртала девонида ҳам деярли бир хил миқдорда жанрлардан (масалан, биринчиси ва иккинчисида саккизтадан, учинчи ва тўртинчисида тўққизтадан) фойдаланиб, унга ўн етти жанрда (ғазал мустазод, мухаммас, мусаддас, таржиъбанд, мусамман, маснавий, таркиббанд, қасида, қитъа, соқийнома, рубоий, муаммо, чистон, туюк, фард кабилар) ёзилган поэтик асарларини киритган. Булардан ташқари яна «Хамса», тарих, нома ва бошқа жанрлар улуғ шоир қаламида ўз ифодасини топган. «Ўзбек назмидаги шеър навлари ўз анъаналарига эга бўлган, бунда қадимги туркий тилли адабиётнинг аҳамияти кучли эди,— деб ёзади У.Тўйчиев, — шу билан бирга, араб, форс-тожик назми навларини тайёр ҳолда олиш ҳам урф бўлган, бу олинган навлар мазмунан ва шаклан ижодий ривожлантирилган шеърини қоида ва шакллارнинг асосан қатъийлиги ўша давр адабиётида етакчи эди. Манбаларда Навоийнинг ўзбек тилидаги лирикаси навлари 16 та деб келинди, тарих ва нома бу соҳага кирмай қолди, бунга лиро-эпик турдаги «Хамса»ни ҳам қўшиш лозим, шунингдек, шоирнинг марсия, татаббуъ ва «Хамса» да масал навлари ҳам бор, демак, Навоий назми навлари 21 тадир».

Алишер Навоий лирикаси навлари (жанрлари) сирасига форс-тожик тилида ёзилган шеърларидаги 9 жанрдан ўзбекча назмиёт навлари орасида учрамаган марсия ва тарих жанрлари ҳам қўшилса, унинг форс адабиётидаги навларига асосий эътиборини қаратиб, бу жанрларнинг ўзбек шеърлятидаги мавқеини юқори даражага кўтариш, уларнинг туркий халқлар бадий тафаккури заминидagi бой имкониятларини намойиш қилиш ва умуман жаҳоншумул назмиёт намуналари билан бир даражада турадиган юксак савиядаги шеърят яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганини кўрамиз.**

Алишер Навоий ўзбек тили ва адабиётининг чинакам маънодаги буюк билимдони эканлигини унинг бадий услубнинг назарий томонларини «Мезон ул-авзон» асарида, амалий ўзига хосликларини эса «Муҳокамат ул-луғатайн»да ҳар томонлама шарҳлаб бергани ҳам исботлаб турибди.

Ўзбек бадий услубининг шаклланиши, ривож, кейинги даврлардаги ҳолати ва бугунги кундаги аҳволи ҳақида умумий тасаввур қилиш зарурати Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мунис, Огаҳий, Нодира, Муқимий, Фурқат, Ҳамза сингари сўз усталарининг асарларидаги бадий ифода воситаларини, қисман бўлса-да, ҳозирги ўзбек поэтик адабий тили бадий ифода воситалари билан ўзаро қиёслашни тақозо қилади. Бу қиёслаш эса уларнинг умумий томонлари бўлиши билан бир қаторда маълум фарқлари ҳам борлигини кўрсатади.

Ўзбек адабий тили, унинг бадий услубининг шаклланишида маълум роль ўйнаган. Шарқ адабиётининг таъсири XIX асрларгача давом этиб келди. XVI асрдан кейин ҳам ўзбек адабиётида айрим ижодкорларнинг икки тилда — ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилиб келганлиги бунинг далилидир.

XVI асрда яшаб ижод қилган Бобур ўзбек бадий услубининг бойишида ҳам амалий (олти жанрда асарлар ёзган — ғазал, рубоий, туюк, қитъа, фард, маснавий), ҳам назарий томондан (аруз ҳақидаги рисоласини эслайлик) баракали таъсир кўрсатди. XVI асрнинг иккинчи ярмидан XVIII асрларгача бўлган ўзбек адабиётида юксак ижод намуналари нисбатан кам кўзга ташланади. Бу даврларда яшаган Муҳаммад Солиҳ, Мажлисий, Хожа, Турди, Равноқ, Роқим, Нишотий, Андалиб, Ҳувайдо каби шоирлар асосан икки-уч поэтик жанрда ижод қилганлар. Улар орасида Машраб ғазал, мухаммас, мураббаъ, мустазод сингари жанрларда ёзилган юксак поэтик асарлари билан ўзбек шеърлятидан ўзига хос ўрин олди.

Машраб ҳар бир поэтик усулдан, халқ оғзаки ижодидан, мақол-маталлардан маҳорат билан фойдаланди, ўз асарлари тилини халқ жонли тилига яқинлаштирди, оддий сўзларга, бирикмаларга ҳеч иккиланмай мурожаат қилди, уларнинг турли яширин маъноларини юзага чиқарди. Ўзбек адабий тилини жонли сўзлашув тили имкониятлари

ҳисобига бойитишда катта ҳисса қўшган Машраб ижодидан тақрир санъатининг гўзал намуналарини топиш мумкин. Масалан: Юруб сўрдим табиблардин: «Бу дардимга даво борму?» / Табиб айтурки: «Эй нодон, бу дардни бедаво дерлар», ёки яна бошқа бир ғазалида: Мен айтурман: «Кўнгул узғил!» Бу кўнглум кўнгул узмайду / Кўнглум айтурки: «Эй нодон, кўнглум узсам –узулғайму?»

Иккинчи байтда бор йўғи етгита сўз иштирок этган. Улар икки, уч, айримлари эса, ҳатто беш марта такрорланган. Маҳорат шундаки, улар китобхоннинг ғашига тегмайди. Шоир маънодош сўзларни (масалан, кўнгул- юрак-дил) қўллашдан воз кечар экан ғазалдаги ҳар бир сўзнинг маъно имкониятларидан тўлиғича фойдалана олган.*

Бобораҳим Машрабдан кейин ўзбек классик адабиётида ранг-баранг назмий жанрларда ижод қилган, XVIII асрда яшаб ижод этган шоир Хўжаназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдо бўлиб, ғазал, мустазод, мухаммас, мусаддас, мусабба, мусамман, мустаъи, муашшар; мураббот, рубоиёт жанрларида ижод қилган**.

Кўринадики, айрим жанрлар ўзбек классик шеърлятида биринчи марта Ҳувайдо қаламида поэтик ўлчов сифатида қўлланилган (масалан, мусабба, мустаъи, муашшар кабилар).

XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида катта бир халқнинг уч хонлик – Кўқон, Бухоро ва Хива хонликларида бўлиниб кетиши маълум даражада ўзбек халқи тарихида, адабиётида, тилида ўз асоратларини қолдирди. Бу таъсирнинг ўзбек халқи ижтимоий ҳаётида салбий бўлгани маълум, аммо унинг классик адабиёт, эски ўзбек адабий тили тараққиётидаги роли махсус илмий тадқиқот объекти бўлмаганлиги сабабли бу ўринда қатъий бир фикр билидириш қийин. Шундай бўлса-да, айтиш мумкинки, бу бўлинишдан кейинги янги ижтимоий-сиёсий-маданий муҳитдаги тил ва адабиётга бўлган экстралингвистик ва бошқа филологик таъсирларнинг даражаси ҳар хил бўла боргани аниқ.

XVIII-XIX асрларда Кўқон хонлигида адабий муҳит анча жонланган. Ғозий, Махмур, Гулханий, Увайсий, Нодира, Узлат, Ҳозик, Маъдан, Муқимий, Фурқат, Завқий кейинчалик Чўлпон, Ҳамза каби ўзбек адабиётининг кўплаб намоёндалари ана шу даврда етишиб чиққан эдилар. Улар ижодида ҳам асосан назмий жанрлар етакчилик қилган бўлиб, ёзилган асарлар миқдори олдинги даврлардагига нисбатан бирмунча камайган эди.

Бу ижодкорлар орасида девони анчагина бой бўлгани Нодирадир. Шоира ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман, таржеъбанд, таркиббанд ва нома жанрларида гўзал шеърӣ асарлар ёзганлигининг исботи сифатида унинг маънодош сўзлар устида ишлашига битта мисол келтирамиз: Хатинг иштиёқин савод айладим,/ Кўзумнинг қаросин мидод айладим./ Мени баски девона қилди ғаминг,/ Жунун аҳлиға иттиход айладим./ Кўруб тушда юзунгни беихтиёр,/ Фигон чектим андоғки, дод айладим.

Матнда уч синонимик уя бор: савод-қаро, девона-жунун, фигон чектим-дод айладим. Шоира бунда уч тилнинг – ўзбек, араб, форс-тожик тилининг лексик бойликларида ҳам фойдаланган. Айниқса, учинчи байтнинг охириги мисрасидаги фигон чектим ва дод айладим бирикмаларининг маънодошлиги матннинг лингвопоэтик руҳини юқорига олиб чиққан.

Нодира форс-тожик тилида юқори бадиият билан ғазаллар ёзган уларда Шарқ поэтикасининг деярли барча санъатларидан фойдаланган. Гул шукуфту гулшан шуд, шамъи лола равшан шуд,/ Гулистон нишиман шуд, бода хушгувор омад.

Ушбу байт ғазалнинг иккинчи байти. Шоира ғазалнинг поэтиклигини таъминлаш мақсадида бўлса керак, шеър байтлари ичида гул сўзи ва унинг ясама шакллари алоҳида эътибор билан келтиради. Ушбу байтда гул, гулшан, гулистон сўзлари, учинчи байтда гулфишон, гулғузур, бешинчи байтда гули рўят- юзинг гули, олтинчи байтда гулираъно- раъно гули каби тил бирликларини қўллаган бўлса, яна гул маъносида турли байтларда унинг бошқа маънодошлари – лола, раъно, сарв сўзларини ҳам қўллаган. Бир байтда лолагун-қизил ранг бирлигини қўллаш билан лола сўзига оҳангдошлик пайдо қилган.

Шарқ поэтикасида байтларнинг оҳангдошлиги етакчи поэтик санъатлардан бири – тарсеъ дейилиб, у ижодкордан катта маҳорат талаб қилади. Нодиранинг куйидаги ғазали мана шу санъат асосида қурилган: Ҳеч медонӣ, ки, боз ин гардиши ахтар чи кард?/ Ҳеч медонӣ, ки, даври чархи дунпарвар чи кард?/ Ҳеч медонӣ, ки ин хин-дуи бозигар чи бахт?/ Ҳеч медонӣ, ки ин бадхў-ю бадгавҳар чи кард?

XIX асрнинг II ярмида Қўқон адабий муҳитида етишиб чиққан классиклар орасида Муқимий ва Фурқатлар ижоди мазмуни ва услубий ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Муҳаммад Аминхўжа Муқимийнинг ижодий меросини жанрлар бўйича қараб чиқилганда, кўпчилиги анъанавий жанрлар – ғазал, мураббаъ, мухаммаслардан иборат. Аммо унинг хизматларидан бири шундаки, Муқимий ижоди туфайли адабиётимизда сатира, саёҳатнома ва мактубот жанрлари пайдо бўлди. Ғ.Каримов таъкидлаганидек, «Муқимий адабиётимизда демократик шоир сифатида бой ва салмоқдор ижоди билангина эмас, кучли адабий ҳаракатчиликнинг раҳбари, бошчиси сифатида ҳам қадрли ва қимматлидир. Муқимийнинг XIX асрнинг II ярмидаги Қўқон адабий муҳитида тутган ўрни, ўзбек демократик адабиётининг шаклланишида ўйнаган роли катта бўлди».*

Муқимийнинг ижодий меросида ўзидан олдинги ўзбек адабиёти классиклари асарлари тилидаги бадииятнинг энг гўзал, намунали ху-сусиятлари давом эттирилгани сезилади. Унинг асарлари тилининг ўзига хослиги, Бухоро ва Хоразм адабий муҳитидаги ижодкорлар асарлари тилидан ўзининг маълум бадиий ифода усулларининг соддалиги, жонли сўзлашув тилига анча яқинлиги билан ажралиб туради.

Ўзбек классик адабиётининг Муқимийгача бўлган даврида ижтимоий ҳаётдан норозилик туйғуларининг ифодаси, жамиятдаги нуқсон ва иллатларни фош қилиш бирмунча чегараланган эди. Муқимий эса услуб жиҳатдан бутунлай фарқланувчи ижод тури – сатирик асарлари билан бу камчиликларни янгича мазмун ва янгича шаклда ифода эта бошлади.

Муқимийнинг ўз сатирик асарлари бадиийлигини оширишда қанчалик меҳнат қилганлиги, жонли халқ тили имкониятларидан, мақол, матал ва иборалардан қандай фойдалана олганлиги ўзбек тилшунослигида А. Шомақсудов томонидан махсус ўрганилган ва ўзининг тегишли баҳосини олган: «Талантли сўз устаси Муқимий ўзбек адабий тилини халқ сўзлашув тили ҳисобига ривожлантирди, адабий тил доирасини халқ сўзлашув тили воситалари ҳисобига кенгайтди. Халқ сўзлашув тили унинг сатирасида халқ тили руҳини ифодаловчи асосий лексик-грамматик воситадир. Унинг сатирасида баъзи ғайри-ахлоқий жаргон сўзлар учраса ҳам, бу камчиликлар Муқимийнинг ўзбек адабий тилини ривожлантиришдаги буюк хизматларини камайтирмайди. Муқимий феодал-сарой ва диний-мистик адабиёт вакиллари томонидан зўр бериб она тилини таҳқирлаш сиёсати ўтказиб турилган бир даврда ўз асарларини халқ тилида ёзди, умумхалқ тилининг лексик ва фразеологик бойликларини, уларнинг турли-туман семантик-стилистик хусусиятларини очиб берди».

Хуллас, Муқимийнинг ғазал, мураббаъ, мухаммаслари, ҳажвиётлари, мактуботлари ва ниҳоят, машҳур «Саёҳатнома»си эски ўзбек поэтик адабий тили билан ҳозирги ўзбек поэтик адабий тилини бир-бирига боғловчи кўприк ва шеърятдаги анъанавий услубларни давом эттирган ва янгича тартибда ривожлантирган бадиият намуналаридир.

Ўзбек бадиий услубига ва умуман ўзбек адабий тилига ташқи омиллар таъсирининг иккичи даври – рус ва у орқали Европа тиллари ва адабиётларининг таъсири Муқимийнинг замондоши бўлган Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат (1859-1909) ижодида яққол ва ўзига хос тарзда кўзга ташланади. Бунга Фурқатнинг илму маърифатга ташналиги, ўз халқини маърифатли қилишга интилиши ва шу йўлда рус тили, адабиёти ҳамда санъатига қизиқиш билан қарагани сабаб бўлганлиги шубҳасиздир.

Унинг Шарқ назмиётининг беш жанрида – маснавий, мухаммас, мусаддас, мустазод, мактуб кўринишларида ёзган асарлари ўзбек тили билан бир қаторда анъанавий поэтикани, хусусан араб ва форс-тожик шеърятини билганлигидан далолат берса, ижодига мансуб намуналарда учрайдиган Австрия, адрес, акт, апрел, билет, визит,

винтелятор, виставка, военний-губернатор, газет, генерал-губернатор, гимназия, градус, доктор, думахона, Еврупо, Ёпон, закон, зал/зол, инглиз, Италё, июль, калисо, кантрак, май, Манжурия, Маркиза, Нипули, машина, медал, Милон, музыка, музикон, Наполеон, немис, неморлик, областное правление, октябрь, пасха, почтахона, раёл, Русия, самовар, сантура, сентябрь, Суворов, судияхона, театр, телегром, франсуз/франсус, Христос, ярмарка* каби кўплаб туб ва ясама тил бирликлари ғарб тили ва адабиётига бўлган муносабатнинг маҳсулидир. Гарчи бу элементларни айнан бадий услубга хос деб қараш мумкин бўлмаса-да, XIX асрнинг II ярмига келиб, ўзбек тили ва адабиётида янги бир жараён рўй бера бошлаганини ўзида акс эттира олади. Адабиётда маълум маънода бармоқ вазнига бўлган эътиборнинг кучайиши, роман, повесть, ҳикоя, очерк, баллада каби қатор адабий жанрларнинг пайдо бўлиши ҳам ана шу жараённинг тезлашиши билан боғлиқ ҳодисадир.

Ҳар қалай рус ва у орқали Европа тиллари ва адабиётларининг ўзбек тили бадий услубига таъсири мураккаб масала ҳисобланиб, алоҳида монографик тадқиқотни тақозо қилади, деган фикрдамиз. Шунинг учун ҳам бу ўринда масалага умумий тарзда тўхталиш билан чегараландик.

Хуллас, ана шундай ўзаро адабий таъсирлар натижаси ўлароқ араб, форс-тожик классик шеъриятидаги анъаналар туркий поэзияда мавжуд бўлган жанрларнинг янада тараққий қилишида ва янгиларининг пайдо бўлишида ижобий роль ўйнади. Шу таъсирлар туфайли назмиёт, хусусан, ўзбек шеърияти имконияти кенгая борди, янги-янги сўз ва иборалар ҳисобига бойий бошлади.

Шундай қилиб, жаҳоннинг барча тараққий этган тилларида бўлган адабий-бадий жараён натижаси ўлароқ ҳар бир тилдаги маълум қисм бошқа тиллар бирликларининг мавжуд бўлиши ўзбек адабий поэтик тили тарихи учун ҳам хос хусусият бўлиб қолди.

ЧЕТДАН ОЛИНГАН ТИЛ БИРЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БАДИЙ УСЛУБДАГИ ЎРНИ

Ўзбек адабий поэтик тили сўз фондидаги минг йиллик ўзаро ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мобайнида араб, форс, тожик, ҳинд, юнон, лотин, мўғул, рус ва рус тили орқали Европа тилларидан ўзлашган сўзларнинг миқдори тахминан 15-20 минг бирликни ташкил қилади. Бу манзарани Фахри Камол шундай деб ёритган: «Ўзбек адабий тилидаги сўз бойлигидаги асосий лексик қатламларда юз берган ўзгаришларни кузатиш шундан далолат берадики, 1922 йилдан буён байналмилал сўзлар қатлами адабий тилнинг умумий луғат составида дастлабки 2 процентдан 15-16 процентгача кўтарилди. Бу давр ичида арабча сўзлар анча камайиб кетди. Тўғри, бадий асарларда, жумладан, поэзияда арабий сўзларнинг, хусусан абстракт тушунчаларни ифодаловчи сўз ва ибораларнинг маълум даражада салмоғи бор. Аммо фанний асарларда, айниқса табиий фанларда интернационал сўзларнинг салмоғи ортиқ, фаннинг айрим соҳаларида интернационал сўзларнинг умумий миқдори 18-20 процентгача етади».*

Ўзбек бадий адабиётидаги қадим даврлардан бошлаб ёзилган ёдгорликларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида, ёки бўлмасин, бир ижодкор қаламига мансуб асарларни яхлит ҳолда олиб, уларнинг луғат бойлигини ўрганишга бағишланган ишлар ўзбек тилшунослигида бармоқ билан санарли.** Шундай ишларнинг изчиллик билан ва маълум тартибда амалга оширила боришигина ўзбек поэтик тилининг ҳақиқий манзарасини гавдалантира олиш, ундаги ҳар бир элементнинг келиб чиқиши, қайси лексик қатламга мансублиги ва бугунги ижтимоий алоқа жараёнида, бадий адабиётда қўлланиш даражаси ҳақида аниқ ва ишонарли хулосаларни қайд қилишга имкон беради.

Ҳозирча эса кўпсонли туркийча-ўзбекча ёдномалар ва адабиётимиз классиклари асарларининг сўз бойлиги хусусида, санаб ўтилган манбалар ҳисобга олинмаганда, тахминий ва умумий мулоҳазалар билан чекланишга мажбурмиз.

Шундай бўлса-да, ҳарқалай, маданий-поэтик меросимиз лексик қатламидаги ўзлашган сўзларнинг умумий қиёфасини яратиш имконияти бор. Бунинг исботи учун

айрим манбаларга мурожаат қиламиз. Масалан, Юсуф хос Ҳожиб ижодида ташқи таъсирнинг дастлабки намуналарини кўриш мумкин. Уларни албатта икки йўналишда— ҳам номинатив вазифага, ҳам бадийликка хизмат қилувчи элементлар сифатида қараш тўғри бўлади.

Арабча элементлар:

1. «а» товуши билан бошланган сўзлар: абад, абдал, абир, адаб, адад, адл, адоват, аду, аёр, ажаб, ажиз, айб, амин; амсол; арш; асбоб, асил, асир, аслий, ато, афв, афият, ашъор, аҳд; аҳл...

2. «б»: байт, баён, бало, балоғат, барот, баъзи, бахт, боқий, бурч...

3. «в»: ва, вазир, ва лекин, васиййат, вафо, ваъда, ваҳший, вақт, вилоят, вирд, висол, вожиб...

4. «д»: давлат, давот, даъво, дин, дунё, дуо...

5. «ж»: жавоб, жазр, жамоат, жамол, жамъ, жафо...

6. «з»: замона, заъфарон, зиёрат, зоҳид...

7. «и»: ибол, ибрат, иёр, иллат, илм, имон, иморат, имтиҳон, иноят, иттифоқ, ишорат, иқбол, иқлим...

8. «к»: кавкаб, кавокиб, камол, карим, кафорат, кимиё, китоб, кофир, курсий, кусур...

9. «л»: лақаб, лаҳв, лиқо, луқмон, луғат...

10. «м»: мажоз, мазолим, малик, мамлакат, мамрлик, манзил, масал, масжид, машриқ, машғул, маъжун, маълум, маъний, маҳмуд, мерос, меҳнат, миллат, миннат, мисол, мол, муаззам, муарриж, музлимат, мулк, мулкат, мулук, муназзим, мункар, мунозара, мунофиқ, мунқалиб, мурид, мурувват, мусаллат, мусофир, муфлис, муфозаа, муфсид, муъин, мўмин, муҳол, муҳаммад, муҳтасиб...

11. «н»: навбат, назихат, нафас, нафс, нақий, неъмат, низом, ният, ниҳоят, носир, нужум, нур, нуқл...

12. «р»: раб, рабб, ражаъ райят, раква, расул, раҳмат, риёсат, роҳат ...

13. «с»: сабаб, сабо, сабр, савоб, сазо, салом, саломат, саодат, саратон, сафар, сиёсат, сикандар, сирр, сифат, соат, собир, собит, сурат, суҳбат...

14. «т»: таат, тавба, тавфиқ, тавъ, талаб, тансиф, тамаъ, тамом, тариқат, тартиб, тасбиҳ, тасниф, тафриқ, таъала, таъбир, таъзиф, таъзият, тақдир, тақсир, тиф, тоқат...

15. «у»: узр, уламо, умир, уммат, уқб...

16. «ф»: фазл, фалак, фано, фаризо, фарқ, фасл, фасод, фидо, фиск, фиروق, фитна, фихрат, фоний, фориғ, фосиқ...

17. «х»: хавф, хазина, хайл, халифат, халқ, хароб, хасим, хат, хатар, хатир, холий, холиқ, хиёнат, хилл, хилъат, хуший...

18. «ш»: шаддод, шариат, шариф, шарр, шарт, шатранч, шаҳоват, шаҳодат, шеър, шифо, шоир, шубҳат, шукр...

19. «қ»: қабул, қавл, қавм, қалам, қаноат, қарор, қасаб, қаҳти, қиём, қиёмат, қиёс, қисмат, қисса, қози, қўрғон...

20. «ғ»: ғам, ғафлат, ғафур, ғойиб, ғофил, ғоят...

21. «ҳ»: ҳабас, ҳабб, ҳабиб, ҳаво, ҳад, ҳаж, ҳазар, ҳайдар, ҳаким, ҳалво, ҳалол, ҳамият, ҳандаса, ҳарир, ҳариф, ҳаром, ҳарф, ҳашм, ҳақ, ҳақиқат, ҳеч, ҳийла, ҳикмат, ҳиммат, ҳисор, ҳишмат, ҳожат, ҳожиб, ҳозир, ҳол, ҳужжат, ҳукамо, ҳурмат...

Келтирилган мисоллар Э.Бегматовнинг «ўзбек тилидаги арабча ўзлашмаларнинг кўпчилиги абстракт маъно ифодаловчи сўзлардир...

Арабча абстракт маъноли ўзлашма сўзлар кўпроқ китобий услуб ленсиқасига тааллуқлидир. Улар поэтик сўзлар, илм-фан терминларидир. Шу туфайли арабча ўзлашмалар кўпроқ ўзбек адабий тилининг пассив қатламларига, жузъий услубларга тегишлидир»,* деган фикрни тасдиқлайди.

Маълум бўладики, эски поэтик туркий тил ва қадимги ўзбек поэтик тилида араб тилининг лексик таъсири даражаси XI-XII асрлардаёқ сезиларли бўлган. Юсуф хос Ҳожиб қаламида улар тилимизда, қисман поэтик тилда янада мустаҳкамланган.

Худди шундай ҳолатни Юсуф хос Ҳожиб ижодида, гарчи арабча сўзларга нисбатан кам бўлса-да, форсча-тожикча сўзларда ҳам кузатамиз: абизан, андом, арғувон, Афросиёб, афсун, банд, батар, биёбон, бузург, гавҳар, ганж, гашт, гувориш, гуланкабин, гулоф, гурунч, гўр, дариға, дору, дуруд, ё, ёд, ёр, ёрий, жон; замона; занги, зина, зиндон, зулф, калбуд, кон, магар, моя, мусулмон, намоз, ник, нодон, об, обод, одина, ораста, орзу, осон, офтоб, охур, палид, панд, панднома, пиша, пари, парҳиз, раво, равон, рустам, рўза, рўзи, сазо, сарой, сипоҳ/сипаҳ, тахт, фаридун, фариза, фаришта, хирад, хок, чавгон, чора, шикор, шира, шоҳнома, қанд, ғавға, ҳам,, ҳаргиз, ҳири каби.

«Ҳибат ул-ҳақоийк» достони тилида ҳам Аҳмад Югнакий томонидан бадиий услуб талабига кўра арабча ва форсча-тожикча сўзлардан фойдаланган.

Арабча сўзлар: аввал, адиб, азиз, азоб, амал, амр, араб, арз, Атиқ, ақл, бадал, бадиъ, басал, бахил, беда, бино, боб, бухул, вабол, вараъ, ваъз, вудд, далил, динар, жадал, жазаъ, жоҳил, жуд, жумла, жумод, зиёдат, зикр, зухд, ибодат, иборат, ижобат, изо, иллоҳ, илож, ислом, итоб, ихсон, карам, кафан, кибр, киёсат, лаззат, латифа, лаън, либос, мадх, мажд, мазиҳ, майдон, макон, манъ, маъдан, мизоҳ, муддат, мурод, мутадаийин, мутаъбад, мустамаъ, мушфиқ, муқир, наби, наводир, насоб, нафис, наът, ниқоб, омон, ориф, работ, ракс, рикқат, салим, саловат, самоъ, саноъ, саодат, сафиҳ, сафо, саҳоъ, сирр, содик, табиат, тавозеъ, тазарруъ, такаббур, тафовут, турфа, удвон, умур, усмон, фазил, фазилат, файласуф, фарох, фақир, феъл, фикр, фойда, футувват, хабар, хайр, харобат, хасис, хаслат, хос, шакк, шараф, шароб, шахд, эваз, эътибор, эътиқод, яъни, қадах, қадр, қавий, қазо, қатра, қафас, қувват, қудрат, ғазаб, ғайбат, ғалат, ғариб, ҳадя, ҳазл, ҳалим, ҳамд, ҳариз, ҳасрат, ҳақ, ҳақоик, ҳибот, ҳилм, ҳисоб, ҳирз, ҳиқд к а б и.

Форсча-тожикча сўзлар: Анушервон, бад, баси, баробар, бародарона, бахшиш, баҳо, боди, боз, боғча, бунёд, бураҳна, бўстон, вагар, гила, гузоф, гул, гуҳар, дард, дармон, дашном, дигар, дод, доно, дориг, дуруст, душман, ёри, жома, жонвор, жувон, зар, захр, зинҳон, зуд, ки, маза, мард, май, меҳрибон, навишта, нигоҳдор, нишон, нокас, нохуш, озод, озор, ошкор, пашимани, пинҳон, пир, посбон, риё, роз, рост, рўзғор, сабат, фарр, фил, хуш, хўжа, ширин, шоҳ, чоҳ, ҳазор, ҳама, ҳар, ҳунар, хуш с и н г а р и.

Ўзбек бадиий адабиёти услубида XI-XII асрларда ташқи лексик омил сифатида қараладиган арабча ва форсча-тожикча элементларнинг кўпчилиги ҳозиргача ҳам ўзбек поэтик ва прозаик асарлари тилида ишлатилиб келинмоқда. Бундан ташқари, ҳатто мазкур сўзларнинг бир қисми тилимизда умумистеъмолдадир. Маълум қисми эса умуман ишлатилмайди.

Ўзбек адабиёти бадиий услубиятининг шаклланиш ва ривожига ҳамда унда ифода воситаларининг бир тури сифатида ўзлашма сўзларнинг кўпая бориши XIV асрга келиб янада фаоллашди. Ана шу фаоллик билан XIV аср ёдномалари тили лексикаси алоҳида ажралиб туради.*

Ўзбек классик адабиётида XIV асрга келиб бадиий таржима ишлари кенг авж олиб кетиши бунга асосий сабаб бўлди. Бу даврда таржималар, асосан, форс-тожик адабиёти намуналаридан амалга оширилди. Сайфи Саройи, Хоразмий, Рабғўзий, Қутб ва бошқалар қаламида амалга оширилган бундай назмий ва насрий асарлар таржималари илмий адабиётларда Хоразм ёдномалари номи билан маълум. Мазкур асарлар аксарият қисмининг сўз бойлиги Э. Фозилов томонидан тўпланиб, икки томлик глоссарийси «Эски ўзбек тили» номи билан 1966 (I том) ва 1971 (II том) йилларда нашр этилган ва биз ҳам мисоллар таҳлилида ана шу манбалардан фойдаландик.

XIV асрда эски ўзбек поэтик адабий тилига ташқи омил сифатида чет сўзларнинг кириб келишини, асосан, икки йўналишда олиб қараш мумкин:

1. Барча тилларда бўлгани сингари ўзаро ижтимоий алоқалар натижасида ўзлашган арабча, форсча-тожикча сўзлар.

2. Форсча-тожикча бадий асарларни ўзбек тилига таржима қилиш орқали кириб келган арабча ҳамда форсча-тожикча элементлар ва улар заминда ясалган арабча+ўзбекча, форсча-тожикча+ўзбекча сўзлар.

3. Бегматовнинг қуйидаги мулоҳазалари бу фикрни яна ҳам мустаҳкамлайди: «Тожик тили ўз даврида бадий-поэтик тил, расмий-юридик тил сифатида аяча ишланган, сайқалланган тил эди. Айниқса, унга араб тили кучли таъсир кўрсатган эди. Шу сабабдан араб сўзлари тожик тилининг баъзи услубларида умумий сўз миқдорининг 50-60 процентини ташкил этади. Тожик тилида соф арабча негизлар асосида тожикча морфемалар ёрдамида кун миқдорда янги сўзлар вужудга келтирилди. Бу сўзлар поэтик нутқ, расмий ёзишмалар тили ва илмий услуб учун жуда қулай ва зарурий сўз ва терминлар эди. Ўзбек тили мана шундай нутқий воситаларга муҳтожлик сезганда буни тожик адабий тилидан олди.

Ана шундай таржима асарларининг намунаси сифатида Сайфи Саройининг «Гулистон»дан қилган таржимаси—«Гулистон би-т-туркий», Қутбнинг Низомий Ганжавий «Хамса»сидан ўгирган «Хусрав ва Ширин» достонини, булардан ташқари эса Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» ҳамда Маҳмуд Алининг «Наҳж ул-фародис» насрий асарларини кўрсатиш мумкин.

Тилга олинган манбалардаги ўзлашма сўзларга кўз югуртириш ўзбек бадий услубининг шаклланиш босқичларида ташқи омилларнинг аҳамиятини белгилашда филологик қиммат касб этади деб ўйлаймиз.

«Гулистон би-т-туркий» да ўзлашма сўзлар: абад, абёт, аблаҳ, аввал, авж, авло, авсоф, авқот, агар, адамий, адо, адаб, адиб, адим, адиб, ажал, аждаҳо, азал, азият, айём, акобир, аксар, алвон, алим, алфоз, амир, амлок, аммо, аммора, амонат, амр, амсол, анбар, авоъ, андиша, андом, анжас, анжуман, араф, аркон, армуд, асад, асар, асбоб, асвад, асир, асл, аслий, асос, асҳоб, атиббо, афъол, афғон, ахий, ахират, ахлоқ, ашё, ашжор, ашъор, ашқиё, аъзон, аъло, агёр, аҳвол, аҳл, аҳлан, аҳмар, аҳмоқ; баввоб, бадал, бадан, бадиъ, бадиҳа, бадр, бадрақа, баён, баззоз, базл, базоат, байзақ, байт, байтар, бали, балият, балиғ, банги, банда, баракат, барбат, барйия, бармаки, баройи, барокат, барр, бартил, барр, бас, батн, батолат, баттар, бахил, бахт, бахш, бахшиш, башарият, башорат, баъзи, бақиё, баққол, баҳо, баҳойим, баҳона, баҳори, баҳр, баҳс, бевафо, бегумон, бенаво, бечора, беша, биёбон, бийи, билод, бинафша, бино, бирён, бирка, бисот, боб, бод, бодом, бож, боз, бозор, бозу, бол, бор, ботил, ботин, боқий, боғ, булбул, булуғийят, бунёд, бурд, бурж, бурҳон, бухл, бўй, бўстон; важх, вазир, вазифа, вази, вазорат, вакил, ва л е к и н, вали, варақ, варақа, вард, васият, васл, васф, ватан, ватвот, вафо, вафодор, вафот, ваъда, ваъз, вақоҳат, вақт, вақф, видоъ, вилоят, висол, викор, водий, воиз, ворис, восита, восиф, воқиа, воқий, воқиф, вужуд, вузаро; габр, гавҳар, гадо, гадой, ганж, гар, гаҳ, гаҳи, гил, гилим, гирифтор, гузар, гул, гулгун, гулзор, гулистон, гулшан, гумон, гунбад, гунбаз, густоҳ, гуфтор, гўҳар, гўр, дабир; давлат; даво, давр, даврон, далил, далолат, дам, дамбадам, даражот, даракат, дарам, дард, дарё, дариг, дариға, дариҷа, дароҳим, дарюза, дастур, даф, дафотир, дафтар, даҳл, даъват, даъво, дақиқа, даққ, даҳлиз, даҳр, деҳқон, дибо, динор, дидор, диёнат, диёр, дил, дилбар, дилдор, дилистон, диловар, дилором, дилшод, димоғ, диний, динор, дирам, дируют, дирҳам, девон, девона, дудоғ, дун, дунё, дуо, дур, дурар, дурр; дуррож, дуруст, духул, душман, дўкон, дўст; жабин, жавидон, жавр, жавҳар, жавҳарий, жадд, жадид, жазо, жадиб, жалол, жаллод, жамият, жамиъ, жамол, жамоат, жамъ, жаннат, жаноза, жароҳат, жарроҳ, жасорат, жафокор, жаҳаннам, жаҳл, жаҳон, жаҳул, жидол, жинон, жироб, жисм, жиср, жихоз, жоду, жомъий, жон, жонивор, жониб, жоний, жонон, жонпарвар, жонфазо, жосус, жофий, жоҳ, жоҳил, жуд, жубба, жумла, жумъа, жундай, журм; заврак, зажр, закот, замил, заллат, замзама, замон, замир, занбур, занжир, заин, заиф, зар, зарб, зарофат, зариф, зарра, зарроқ, зарурат, зафар, захира, захм, заъриф, заъфарон, зағал, заҳар, заҳмат, зикр, зайир, зойиъ, золим, зор, зорий, зот, зоғ, зоҳид, зоҳир, зулм, зулмат, зулум, зулф, зумуррат, зуфулун, зуъф, зуқок, зуҳд, зуҳр, зуҳра; иблис, ибно, ибриқ, иброр, идрок, идрор, ижобат, ижозат, ижрат, ижтиҳод, икром, илоҳ, илоҳий, илтижо, илтифот, имкон,

имом, имон, инобат, Инжил, инкор, инсон, инсоф, интиқом, инфиёол, иншо, инъом, иродат, иртифаъ, ислом, исм, исор, исрод, иститоъат, истиъдод, истиъонат, истиғфор, иттифок, иттифоқан, ифлос, ифтор, ихвон, ихрож, ихрожат, ихтиёр, ихтисор, ишорат, ишкибо, иштиёк, иштиҳо, иъзоз, иълом, иътибор, иқбол, иқлим, иқрор, ихсон, ихтиёж, ихтиёт, ихтимом, ихтироз, ихтирок; йа, йавм, йагона, йадгар, йамоний, йар, йаран, йарий, йасамин, йасир, йаху, йабни, йақин, йаҳуд, йаҳудий; кабир, кабутар, Кавсар, кайвон, кайд, калб, калима, каллоса, калом, каманд, камол, канъоний, карам, карим, карих, каромат, кароҳиййат, каррот, касб, кафан, кафоф, кафур, кафф, ки, кибр, кийна, киноят, кирда, кис, кисват, китоб, китобат, кифоят, кишвар, куллий, кулфат, кунж, куттоб, куфр, кўза, кўн, кўр, кўс; лабуд, лавозим, лавн, лавк, лажарм, лажлаж, лаззат, лайл, латиф, латифа, латойиф, латофат, лафз, лашкар, лаъин, лаҳв, лаҳжа, лекин, либос, лозим, лойик, лоф, лошан, лутф, лукма; маваддад, мавж, мавжуд, мавжудот, мавзун, мавиъза, мавсуф, мавхум, мадад, маддод, мадид, мадраса, мадфун, мадхол, мадх, мадхуш, мажид, мажлис, мажмаъ, мажол, мажолис, мажрух, мажусий, мазаллат, мазид, мазиййат, мазкур, мазҳаб, майдон, майл, майшун, маккор, маккора, макон, макорим, макр, макрух, максаб, мактаб, мактуб, малак, малик, малих, малоика, малол, малолат, маломат, малоҳат, малул, малъун, мамдух, мамзуж, мамлакат, манбаъ, манзар, манзил, манофий, маноҳий, мароз, мардона, марсум, мартаба, масал, масалан, масжид, маскан, масканат, маслаҳат, маснад, масоҳиб, маст, мастур, масъала, матбах, матлаб, матлуб, матоъ, мафхор, махлуқ, машаққат, машварат, машоварат, машойих, машъаладор, машғул, машхур, маъада, маъақиб, маъбуд, маъдан, маъзул, маъзур, маъйуб, маъишат, маълум, маъний, маърифат, маъруф, маъсий, маъсиййат, маъсум, маъшуқ, маъшуқа, мақбул, мақол, мақом, мақомат, мақсад, мақсуд, мақсум, мағз, мағора, мағрибот, мағрур, мағфарат, маҳал, маҳалла, маҳбуб, маҳв, маҳжуб, маҳжур, маҳобат, маҳрам, маҳсул, маҳфил, маҳфуз, маҳшар, миждоз, миннат, мирваҳа, миск, мискин, мисмор, мисол, мисрий, мифтоҳ, мих, миқдор, миҳак, мева, мезон, мерос, меҳмон, меҳнат, меҳр, меҳтар, мовард, мозий, мол, молик, мор, мот, мотам, моҳазар, мубассар, муболага, муборак, мубориз, мубосаҳа, мубтадий, муваккал, мувофик, мудаббир, мударо, мудбир, муддат, муддаъо, мудом, мужаррад, мужовир, мужоҳида, музайян, музаккий, музаффар, музаҳҳаб, муйассар, мукаддар, мукаррам, мукаррар, муколама, мукошафат, мулк, мулкат, мулозим, мулотафа, мулотафат, мулук, мулҳид, мунаввар, муназзах, мунаққаш, мунир, мункар, мункир, мунодий, муножжас, муножот, мунозара, мунозаъа, мунозаъат, муносабат, муносиб, мунофик, муноқиз, мунсариф, мунтазир, мунтаҳо, мунъим, мунқад, мунқатий, мураббий, мурассаъ, мурааттаб, мураккаъ, мурдор, мурид, мурод, мууроқабат, мурувват, мусаввар, мусажжаъ, мусаллам, мусодара, мусофир, мусоҳамат, мустамий, мустафид, мустаъжил, мустақим, мустағрақ, мустаҳак, мукулмон, мутабаъат, мутажаббир, мутазаиф, мутакаббир, мутакаллим, мутамаккин, мутанаъим, мутараддид, мутафаррик, мутаъаббид, мутъал, мутағаййир, мутаҳаййир, мутаҳаммил, мутолаа, мутолаба, мутий, мутриб, муттафик, муттақий, муфарақат, муфаррих, муфассар, муфид, муфлис, муфсид, муфти, мухалиф, мухалифат, мухатара, мухлис, мухталиф, мухтасар, мушарраф, мушаҳабат, мушк, мушқил, муштарий, муштағил, муштоқ, мушфиқ, муъаванат, муъаззас, муъаззим, муъайян, муъайяна, муъалажа, муъаллим, муъанасат, муъанбар, муъатаб, муъаттар, муъжиб, муълам, муътабар, муътакиф, мубтамад, муътариф, муътақад, муқаддам, муқаддар, муқаддима, муқарраб, муқаррар, муқим, муқобала, муқобил, муқри, муқтазо, муғайлон, муғанний, муҳаббат, муҳайя, муҳал, муҳаккақ, муҳакқиқ, муҳакқиқона, муҳориф, муҳосаба, муҳиб, муҳим, муҳкам, муҳмал, муҳмалат, муҳтамал, муҳтасиб, муҳтож, муҳр ва ҳ о к а з о.

Кўринадикӣ, ташқи омил сифатида ўзбек классик бадиий адабиётида ишлатилган сўзларнинг миқдори бир хил эмас. Эски лексикографик манбалардан маълумки, ўзбек адабий тилига қабул қилинган «м» товуши билан бошланувчи тил бирликлари орасида энг катта сонни араб тили элементлари ташкил қилади. Араб ва форс-тожик тилларидан ўзлашган «н» товуши билан бошланувчи сўзларнинг ўзаро нисбати ўзбек лексикографик

манбаларининг кўрсатишича, деярли бир-бирига яқин. Яна Сайфи Саройининг асари бўйича ўзбек адабий тилидаги ўзлашма сўзларни кўрсатишни давом эттирамиз:

наби, набот, навбат, навбаҳор, навмид, наво, навоҳат, навъ, навҳа, надим, надомат, најис, назар, назир, назиф, назм, назъ, най, нам, намм, намоз, нард, насиб, насим, насл, насойих, насроний, натъ, нафас, нафақа, нафис, нафрат, нафс, нафъ, нахл, нахла, наъл, наъра, нақд, нақл, нақш, наққош, нағма, наҳанг, наҳбат, наҳв, наҳор, неътам, ниёз, низоъ, ниййат, никоҳ, нисбат, нисор, нифоқ, нишон, нишона, нишот, ништар, ниъом, ногаҳон, ногоҳ, нодир, нодон, ножинс, ноз, нозук, нола, нолон, нома, номдор, номус, нор, носих, ноқа, нудамо, нужум, нузул, нуқта, нур, нусрат, нутфа, нутқ, нуксон кабилар.

Ўзбек адабий тилига ўзлашган сўзлар орасида форсча-тожикча олд қўшимчалар бе-, но- билан ясалган сўзлар ҳам Сайфи Саройи таржималарида маҳсулдор. Масалан: нокас, номашруъ, номаҳрам, номехрибон, нохуш, ночор ва бошқалар.

«П» товуши билан бошланувчи ўзлашмалар фақат форсча-тожикча сўзлардан иборат: пайк, паланг, панд, панжа, парвона, парда, пардадор, паришон, парсо, парҳез, пас, паҳлавон, пешкар, пиёда, пир, пируза, пиша, пеша, пой, пок, пора, пўлод...

«Р» товуши билан бошланган арабча ва форсча-тожикча сўзлар: равнақ, раво, равоқ, равҳоний, радд, райҳон, раъат, рамазон, рамаъи, ранг, ранж, ранжида, ранжур, расм, расул, рафиқ, рахт, раъиййат, раъно, ракс, рағбат, раҳил, раҳим, раҳм, раҳмат, риё, риёсат, ризқ, рифъат, роз, рой, ройиха, рост, роҳат, рушан, руҳ, руҳоний, рўзғор...

«с»: самин, самоъ, самъ, сандиқ, сано, санбур, санъат, сарафроз, сарбоз, сарв, сарвар, сарвакт, саргардон, сарой, сархуш, саодат, саф, сафих, сафар, сафо, сафоҳат, сахий, сахо, саховат, саъб, саъи, сақар, сақим, сахв, сахл, сақн, сахро, сиддиқ, сидқ, силий, силоҳ, сим, симот, сипоҳий, сирот, сирр, сифат, сиҳҳат, собир, собит, собиқ, содир, содиқ, солим, солиҳ, солус, сон, соний, соъим, сокий, соҳиб, субҳ, сужуд, сукут, султон, сулҳ, суннат, сунъ, суҳра, суъал, суъбат, Суҳайл, суҳбат, сурат, сўфий...

Ўзбек адабий тили сўз бойлигида «т» товуши билан бошланувчи ўзлашган сўзлар, хусусан форсча-тожикча, айниқса арабча сўзлар кўп. Бу лингвистик ҳодиса XIV аср ўзбек тили ёдномалари тилида, жумладан Сайфи Саройининг мазкур асарида ҳам сақланиб қолгандир: табассум, табақ; табиб, табиат, табл, таборук, табъ, таваккул, тавақкур, тавақку, тавба, тавбих, тавила, тавобеъ, тавозеъ, Таврит, тавфиқ, тавъан, тавҳид, тадбир, тадорук, тажаллий, тажосур, тазарруъ, тазкира, таййиб, такаббур, такаллум, такбир, такийа, тақрор, талаб, талаф, талотуф, талок, талъат, таманно, тамат, таматтуъ, тамаъ, тамом, тамомат, тамошо, тан, танаъум, тар, тараннум, тараф, тарк, тароб, тароз, тарозу, тарра, тарсим, тарсо, тартиб, тасаввур, тасаввуф, тасалли, тасарруф, тасбиҳ, тасдие, тасдиқ, таслим, тасниф, тафаккур, тафарруж, тафовут, тафтиш, тахт, ташвиш, ташний, ташриф, таъаддий, таъажжуб, таъаллуқ, таъаммул, таъарруз, таъассуф, таъбон, таъбид, таъбир, таъвил, таъжил, таъзият, таъзир, таълим, таъм, таъна, таъолий, таъом, тақарруб, тақаттуъ, тақво, тақвият, тақдим, тақдир, тақозо, тақриб, тақрир, тақсир, тағаййур, тағйир, таҳаййур, таҳаммул, таҳзиб, таҳлил, таҳният, таҳорат, таҳрима, таҳсил, таҳсин, теша, тижорат, тилсим, тифл, тирёк, тоб, тоба, товус, тож, тожир, тоза, тозий, тоиф, толиб, толиъ, торих, тос, тоъат, тохир, тоқа, тоқат, тоғий, турба, турш, тухли, туъма, тухмат, тухфа, тўти, тўфон к а б и л а р.

Ўзлашма сўзлар орасида «у» товуши билан бошланадиган бирликлар мазкур манбада нисбатан кам учрайди: узра, умаро, умид, уммат, унс, уруж, уста, устод.

«ф»: фавт, фазилат, фазихат, фазл, фазла, фалак, фалоҳ, фан, фано, фаранг, фараҳ, фарва, фарёд, фарзин, фаришта, фармон, фаровон: фаросат, фароғат, фаррош, фарш, фарқ, фасих, фасод, фасоҳат, фастук, фатво, фато, фаттон, фатх, фаҳр, фақир, фақих, фақр, фаҳм, фидо, фикр, фил-жумла, фи-л-ҳол, фирдавс, фироқ, фиръавн, фиръавний, фиск, финта, фитнат, фиғон, фил, фозил, фойда, фол, фоний, форис, форисона, ориғ, фосид, фосиқ, фош, фоқа, фужур, фузало, фулон, фулус, фурсат, фурқат, фусук, футувват, футуҳ, фуқаро...«х»: хабар, хавас, хавф, хажал, хажолат, хазина, хазро, хайал, хайл, хайлий, хайма, хайр, халал, халойиқ, халоват, халос, халқ, хаммора, хандақ, ханжар, хар, харж,

хароб, харож, хасис, хаслат, хасм, хасорат, хаста, хатар, хатиб, хатм, хата, хатт, хибрат, хадмат, хизмат, хийанат, хийар, хилоф, хилъат, хирмон, хирқа, хисол, хиссат, хитоб, хиффат, хавоий, хожа, хок, хол, холий, холис, холик, хон, хонақоҳ, хонуман, хор, хос, хосиййат, хосса, хотим, хотир, хубс, худ, худрав, худрой, хулк, хумор, хурмо, хусрав, хусрон, хусумат, хутба, хуфйат, хуш...

Эски ўзбек адабий тили сўз бойлигидаги элементлар орасида «ч» товуши билан бошланадиган сўзлар бирмунча кам сонни ташкил қилади. Бу гуруҳ бирликлардаги ўзлашма сўзлар асосан форсча-тожикчадир: чаман, чанбар, чанг, чарб, чарх, чатр, чашма, чашний, чехра, чини, чироғ, чиркин, чобук, чокар, чувт, чўбон/чўпон...

«Ш» товуши билан бошланувчи арабча ва форсча-тожикча сўзларнинг Сайфи Саройи тилидаги нисбати бир-бирига яқин: шабб, шаввол, шавқ, шадд, шажоат, шайдо, шайтон, шайх, шакар, шакк, шакл, шамма, шамойил, шамс, шамъ, шанкул, шар/р/, шараф, шарик, шариф, шароб, шарт, шаръ, шатранж, шафиъ, шафоат, шафқат, шахс, шашдор, шаковат, шахват, шахд, шахнома, шахр, шахриёр. шева, шер, шеър, шиддат, шиканжа, шикоят, ширин, шифо, шогирд, шод, шоди, шодмон, шоир, шокир, шукрона, шуғл, шўр, шўра, шўрбо.

Турли ёзувларда шундай филологик белгилар бўладики, улар бошқаларида учрамаслиги мумкин. Масалан, араб тилининг лексик ярусидида шундай хусусият борки, у туркий ва эроний тилларда йўқ. Бу «айн» / / белгиси билан бошланадиган сўзлардир. Сайфи Саройи асарларида ҳам маълум сўзлар ана шу белги билан бошланган элементлардир: або, абир, абҳар, авом, аврат, адас, адоват, адл, адув, ажаб, ажабо, ажам, ажойиб, ажиб, ажз, азоб, азиз, азим, азимат, азм, азоб, аёл, айб, аййар, айн, айш, акс, алам, ала-с-сабоҳ, алаф, аломат, аллома, амал, амалдор, аммол, амму, анбар, анқо, арақ, арз, арза, аруз, асал, аср, ато, аттор, афв, ашо/аша; ақд, ақл, ақраб, аҳд, обид, одат, одил, ож, ожиз, окиф, олам, олим, олий; омил, омир/амир, омий, ор, ориф, осий, офият, ошиқ, ошиқона, оқибат, оқил, ибодат, иборат, ибрат, иддат, изз, иззат, илож, иллат, илм; иморат, иноят, инон, интиқом, исйан, итоб, ишо, ишва, ишрат, ишқ, удув, узлат, узр, уламо, улвий, уриан, умр, ушоқ, уқба, уқубат, удҳо...

«Қ» товуши билан бошланган ўзлашма сўзлар орасида арабча сўзлар кўпроқ: қабила, қабих, қабо, қабойил, қабола, қабоҳат, қабр, қабул, қавий, қавл, қавм, қавқоб, қад, қадам, қадар, қадах, қадим, қадимий, кадр, қазиййа, қазо, қай, қайд, қайлулаҳ, қалам, қаландар, қалъа, қамар, қану, қандил, қаноат, қарор, қарорий, қасаба, қасд, қасида, қаср, қассоб, қатл, қатъ, қафас, қафо, қаҳба, қаҳр, қибла, қиёмат, қиёс, қиймат, қисм, қисмат, қисос, қисса, қобил, қодир, қозий, қоида, қойил, мақом, қомат, қонё, қосид, қосир, қофила, қофия, кубба, кубла, кубх, қувват, қудрат, Қудс, қулуб, қумаш, қурбат, қурбон, қурса, қут, қутн.

«Ғ»: ғабонат, ғаввос, ғавғо, ғаддор, ғазаб, ғазанфар, ғайб, ғайбат, ғайр, ғайрат, ғалат, ғамгин, ғамза, ғаммоз, ғамхўр, ғаний, ғанимат, ғараз, ғариб, ғаройиб, ғаромат, ғарра, ғарқ, ғарқа, ғафлат, ғидо, ғийбат, ғирий, ғозий, ғойат, ғойиб, ғолиб, ғолиба, ғор, ғорат, ғуор; ғунча, ғуроб, ғурбат, ғурур, ғусса, ғурбон, ғўра...

«Гулистон би-т-туркий» да «х» билан бошланувчи сўзларнинг салмоғи ҳам анчагина бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳозирги адабий тилимиз сўз бойлигида яшаб келмоқда: ҳабба, ҳабиб, ҳабс, ҳавас, ҳаво, ҳавола, ҳад(д), ҳаддийа, ҳадис, ҳаёт, ҳаж, ҳазар, ҳаз(з), ҳазимат, ҳазин, ҳазрат, ҳайла, ҳайбат, ҳайвон, ҳайвонот, ҳайй, ҳайкал, ҳайрат, ҳайрон, ҳайф, ҳайҳот, ҳаким, ҳал, ҳалво, ҳалим, ҳаловат, ҳалок, ҳалокат, ҳалол, ҳалқ, ҳам, ҳамал, ҳамд, ҳамдам, ҳамза, ҳамиша, ҳамйан, ҳамла, ҳаммол, ҳаммом, ҳамойин, ҳамон, ҳашар, ҳанзал, ҳануз, ҳар, ҳаракат, ҳарам, ҳарб, ҳаргиз, ҳарир, ҳарис, ҳариф, ҳаром, ҳаромзода, ҳаромий, ҳартум, ҳарф, ҳеч, ҳиддай, ҳижоб, ҳижозий, ҳижрат, ҳийла, ҳийлат, ҳикмат, ҳикоят, ҳилм, ҳилол, ҳимаййат, ҳиммат, ҳисоб, ҳисор, ҳисорат, ҳисса, ҳифз, ҳожат, ҳожиб, ҳожи, ҳозир, ҳозик, ҳойил, ҳосил, ҳошия, ҳужжат, ҳужра, ҳузур, ҳукамо, ҳукм, ҳунар, ҳурмат, ҳуруж, ҳусн, ҳуш.

Хуллас, Саъдий Шерозийнинг XIII асрда ёзилган, муқаддима, саккиз боб ҳамда хотимадан иборат бўлган прозаик асарини ўзбекчага (туркийга) таржима қилиқ билан Сайфи Саройи ўзбек адабий тилини, унинг сўз бойлигини ташқи омиллар ҳисобига кенгайтирди, энг муҳими, ўзбек бадий услубининг насрий планда мукаммалаша боришига ҳисса қўшди.

Маҳмуд Алининг XIV асрнинг 1 ярмида ёзилган деб тахмин қилинадиган «Наҳж ул-фародис» насрий асари ҳам ўзбек адабий тили ривождаги ташқи омилларни кўрсатадиган лисоний манба бўла олади.

Асар тилидаги Сайфи Саройининг ижодида учрамаган арабча ва форсча-тожикча сўзларни келтираамиз:

«а» (алиф) ҳарфи билан бошланадиган элементлар: абадан, абадий, абдол, абтар, абушқа, авут, адаб, адабсўз, Адам, ажзо, азалий, азон, аманно, анвор, андоза, ансорий, арвоҳ, ародат, атроф, афзал, афтор, ашир, а,ъзо, акриба, аҳодис, аҳё, аҳком, обдаст, одим, оёт, озод, олат, омин, омода, омонат, ораста, ором, офат, ошкора, оҳиста.

Ушбу гуруҳдаги сўзларнинг иккинчи бир қисми «айн» () билан бошланувчи арабча сўзлар ташкил қилади: абарот, аёдат, азамат, азлат, алаф, амир, арасот, арза, арият, арш, асо, атш, уд; уддат.

«б»: бавл, бадбахт, байт(уй), байъ ва шира, байъат, бакара, бало, барот, батрик, бақо, баҳил, бениҳоят, беғоят, беҳуда, бидъат, бизор/безор, бикорат, бикр, бихор, бобо, бозиргон, бонг, борий, борҳин, боғдор, бухтий, бўкон, бўҳтон...

«в»: вайрон, валойат, васвасе, вассий, вахт, ваҳий, вилдон, вирд, вожиб, волида, восил, вуқуф...

«г»: гуноҳ, гўристон...

«д»: давлат, Дажла, дарахт, дарбон, дарозгўш; дастор, дафн, дод, долу, даража, дарвиш, дармонда, дарҳол, дарҳост, дастгир, деҳқон, диёт, дирра, дубур, Дулдул, дунёвий, дуоғўй, дуруд, душанба, душвор...

«ж»: жаббор, жабр, жадал, жазаъ, жазира, жамод, жамоат, жамил, жизя, жимоъ, жиҳад, жиҳат, жорий, жория, жоҳилият, жувонмард, жубрак, жузом, журъат, жуфт, жуҳул, жуҳўд...

«з»: забаржад, забония, забт, забур, заифа, занбил, зарар, зарур, заққум, зиёда, зиёкор, зиёфат, зийнат, зина, зода, зойил, зулмоний; Зулҳижжа, зум, зумаррад, зумом, зумра, зу-н-нурайн, зурраъа, зуфорий...

«и»: ивуқ, ижмоъ, изор, илҳом, имомат, имтисол, имтиҳон, инзол, интизор, интиёд, иром, ироқат, ислоҳ, иснод, истироҳат, истиқбол, истиҳсон, итроф, иттибоъ, ихлос, ихтилот, ихтилоф, ишроф, иъёда, иъроз, иқомат, иқтидо, ихром, ихтимол...

«к»: кабира, каззоб, кайд, кайфият, калим, калимат, карсон, катоба, катгон, каффорат, килид, киром, кишф, кофур, қошки, қоҳон, қоғиз, кўса...

«л»: лаббайка, лаънат, лиф, лоҳмоний...

«м»: маблағ, мабраз, мабъус, мавхуш, мадина, мажмуъ, мажнун, маза, мазаррат, мазлум, мазор, малакут, малоқат, мальуна, манжилиқ, манфаат, мардуд, мароқиба, марҳамат, масвак, масокин, масҳара, матмира, махлуқот, машғала, маъмур, мақхур, мағлул, маҳосин, маҳрух, меросхўра, меҳроб, меҳрубон, минбар, минкод, мисвок, мисқол, монеъ, муаббир, муаззам, мубассир, муборакбод, мубоҳот, муваққат, мувваҳхид, мувоҳират, мудовамат, мужаррад, мужда, мужодила, музмир, мукофот, мулоқот, мумтонеъ, мунаввас, мунис, мунозамат, мунора, муноқиша, муноғгаз, мунташир, мунғиз, мурсал, мусаллот, мусаллий, мусанниф, мусобикат, муставкаб, мустваъмал, муствағний, мусҳаф, мутабар, мутаваккил, мутававал, муталлеъ, мутолиъа, муфассир, муфрат, мухталит, мушбих, мушрик, муъаййир, муъжиза, муъжизот, муъомилат, муъониқа, муъоқиб, муқобила, муқоринат, муғотир, муҳаррам, муҳдис, муҳлат, муҳожир, муҳосин, муҳофизат, мўш, мўъмин, мўғ, мўҳр...

«н»: набз, набира, најосат, најот, најоший, наззора, назр, Намурд, наххос, наххосбон, наххосхона, нашр, наълайн, наҳж, наҳий, наҳиф, нидо, нишо, ниъом, ниҳоят,

нозанин, нозил, нозир, ноиб, номашруъ, номахрам, норасида, ноҳак, нубувват, нуруний, нуҳуд...

«п»: пазмон, пайғамбар, палид, палос, парвардигор, пароканда, пашимон, полон...

«р»: рабб, раббоний, рабеъ, ражаб, ражо, раҳм, рибо, рибот, рибохўр, ривоят, ридо, риёзат, рисолат, ришват, рихлат, ровий, розий, рой, роҳиб, ружуъ, румий, рустойи; рухсат, рукъа, рўза, рўздор, рўзий...

«с»: сабил, савт, садоқат, сайида, сакинот, сакр, салавот, сал-сабил, самеъа, сарб, сарф, саъид, сақф, саҳоба, сеҳр, сиймо, сийрак; сирот, софий, соҳир, сулҳнома, сура, сурё, сусмор, суф, суфра...

«т»: таб, табаррук, таважжух, тавоф, тавқ, тажриба, такаллуф, талқин, тамжид, тановул, тарбият, тарс, тасаддуқ, тафаҳус, тафзий, таҳаллуф, ташаҳхуд, таъвиз, таъзим, таъйин, таяммум, тақдис, таҳдид, таҳрис, тишит, тобут, тўбра...

«у»: ужра, укуф...

«ф»: фазаъ, фариза, фасл, фиरोш, фикх, фожир, форс, фоҳиш, фоҳиша, фута...

«х»: ҳабис, ҳазинадор, ҳайрат, ҳалифа, ҳалофат, ҳамир, ҳамирмоя, ҳамр, ҳариф, ҳасий, ҳаффақон, хизматкор, хола, хом, ҳонадон, хотиб, ҳудоё, ҳуммор, ҳуррам, ҳушнуд...

«ч»: чанбар, чант, чора, чоҳаршанба, жомадон...

«ш»: шанба, шарбат, шариат, шаръан, шаҳид, шаҳна, шаҳодат, шикаста, шиҳоват, шойиста, шубҳа, шубҳат, шуруъ...

«қ»: қабз, қабза, қадим, қандил, қароба, қарон, қасам, қатарот, қатир, қаҳат, кубла, курайший, қуръа, қуфл...

«ғ»: ғазот, ғалаба, ғилмон, ғудда, ғул, ғулс...

«ҳ»: ҳабаший, ҳавз, ҳаводор, ҳаворий, ҳавоший, ҳаж, ҳажомат, ҳазор, ҳайз, ҳало, ҳалқа, ҳамим, ҳамма, ҳарорат, ҳасанот, ҳаф, ҳақойиқ, ҳижоб, ҳовия, ҳодиқ; ҳолис, ҳукқа...

Ўзбек поэтик адабий тилининг XV асргача бўлган сўз бойлигидаги ўзлашган элементлар нисбатига эътибор берилса, кейинг давр маҳсули бўлган ана шу икки асардаги форсча-тожикча, айниқса арабча сўзлар миқдорининг салмоқли эканлиги дарҳол кўзга ташланади.

XIV асрнинг биринчи ярмида ёзилган Низомий Ганжавий «Хамса»сидаги дostonлардан бири «Хусрав ва Ширин»нинг ўзбек тилига Қутб томонидан қилинган эркин таржимаси*да ҳам арабча, форсча-тожикча сўзлар миқдори анчагина. Бу асар «Хамса»нинг биринчи дostonи ҳисобланиб, 6219 байтдан иборат: Қутб форс-тожик тилида ёзилган бу асарнинг ўз баҳрини таржимада сақлаган ҳолда кўп ўринларини ўзгартириб, янги воқеалар, тасвирлар, боблар (91 та) қўшиб, дoston ҳажмини 4740 байт билан тугатган.

Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» дostonида қайд этилган, юқорида тилга олинган иккала асарда учрамаган чет сўзларни келтирамиз. Арабча сўзлар: азл, азо, алиф, амал, ангиз, асомий, афлок, афсус, афъо, ашҳаб, ақоб, аҳл, аҳсанат; бисмиллоҳ, бихаққи, бурқуъ; васлат, вассалом, вуруд, вусъат; дайёр, дайр, далв, даллол, дарж, дарф; жадд, жалла, жалоллаҳу, жалоқ, жаҳд, жилва, жинн, жинс, журъа; зарних, Зухул; йам, ийд, имома, инс, истиқомат, ироқий, ишват; кавокиб, каъбатайн; лаҳза, лол, лом; мажоз, мазох, макнун, мансуба, мансух, маншур, манқал, марҳам, марҳума, масихий, масруъ, масъуд, маҳмур, маъалқисса, маъқул, мақтаъ, маҳак, маҳмуд, маҳрам, миллат, мим, мубарра, музид, мумкин, мунқалиб, мураввақ, муробат, мусалсал, мусиқор, муслим, муъаттал, муъашир, мўътадил, муқоний, муҳандис; наср, насрин, нафрин, наҳжир, нақиб, наҳс, нил, ноқис, нусха, нуқта, нуҳусат; обнус, осор, офат; раёҳин, расад, рақам, раққос, розик; сайёр, салоҳ, саман, самум, саноъат, сафар, сафро, сақойиқ, сиёсат, Сурайё; тажрид, тазвир, такаллиф, тақия, таркиб, тасдис, таслис, тафсир; ушшоқ; фарз, фароқ, фассод, фикрат, фузул, фурча, фуқаъ; халлоқ; шаддод, шаклан, шарҳ, шон, шукр, шум; қайсар, қайсарий, қарз, қасб, қатор, қурс, ҳабаш, ҳаволат, ҳулла; ғазо, ғулув, ғурраш.

Форсча-тожикча сўзлар: афсун, ашкиёб; бадном, базрам, банд, бехор, бирён, боргоҳ, бори, борид, боғи, буржис, бўрёбаф; гавда, газ, гардон, гардун, гила, гулоб, гулоф; димсоз, дуд, дўзах; жовидоний, жойсус, жулоб; занги, зандавож, зод; ишкибо; киш, кор, корсоз, коҳил; лоло; мазохин, маломол, марғзор; нав, навохат, нася, нилуфар, нўшин, парвариш, парвин, паргор, пистон, пир, порсий, посбон; роз; саранжом, сард, саровар, сарҳанг, симоб, симурғ, сипохон, ситеза; тимор, торож, тўтиё; фусус; хазон, халхол, харвор, харидор, хонумон, хор, хоро, хурўс, хў, хўбон; чанги, чоҳ, чўри; шабах, шакарин, шакибо, шамшод/шимжод, шафтолу, шах, шахбоз, шахмат, шир, шиша, шобош, шоҳзода, шоҳона, шўр, шўх; ғалтон, ғўра; ҳунарманд ва ҳоказолар.

XIV аср ўзбек адабий тилида ташқи омиллар таъсири бобида яна бир лингвистик жараённинг фаоллашгани кўзга ташланади. Бу даврга келиб четдан қабул қилинган элементларнинг кўпчилиги ўзбек тилида бирмунча турғунлик касб этди, умумистеъмолда қўлланиладиган элементларга айлана борди. Ўзбек тилида мавжуд бўлган айрим аффиксларнинг бу сўзларга қўшилиб, янги маънолар ифодаладиган бирликларнинг ҳосил бўла борганлиги фикрни яққол исботлайди.

Энг маҳсулдор морфемалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш тўғри бўлади:

-лик қўшимчаси ва унинг -лик, -лиғ, -лук, -луқ, -луғ вариантлари: анфослик, маънилиқ, мискинлик, ҳасратлик, ҳайбатлик, ҳурматсизлик; вафосизлик, ёрсизлик, қарорсизлик, афшонлик, огоҳлик; адабсўзлук, жуфтлук, малунлук, надимлук; инсофсизлук, сабрсузлук, забунлук, зарифлук, маъзунлук, мағрурлук, сархушлук, обрўйлук, орзулук, бурчлук, нурлук, савоблук, хушлук каби.

Вариантлар орасидаги -лиғ қўшимчасининг -ғ товушидаги оҳангдорлик туфайли бўлиши керак, албатта поэтик тилда фаоллиги сезилади: андозалиғ, баҳолиғ, давлатлиғ, доғлиғ, жамоллиғ, жафолиғ, жонлиғ, зиёлиғ, зиндонлиғ, имонлиғ, маслаҳатлиғ, машаққатлиғ, маҳосинлиғ, рағбатлиғ, ройлиғ, сафолиғ, хабарлиғ, хижолатлиғ, хайратлиғ, хўблиғ, шафқатлиғ, ақллиғ, имомалиғ, қиронлиғ, қувватлиғ, қудратлиғ, ҳақлиғ, ҳожатлиғ, ғазаблиғ ва ҳоказолар;

-ли : жароҳатли, саодатли, шакарли, шевали, ҳайбатли:

-чи : гулобчи, жафочи, шафоатчи;

-чилик : афсунчилик, фарвачилик;

-сиз : жамолсиз, муродсиз, рағбатсиз, раҳимсиз, хонумонсиз, шаксиз, шубҳасиз, шубҳатсиз, ҳадсиз;

-ла: озорла, орзула, фармонла, хирмонла;

-лан : озорлан, рағбатлан, хушлан, ғайратлан сингари.

«Қутадғу билиг», «Ҳибатул ҳақойиқ», «Гулистон бит-туркий», «Хусрав ва Ширин» ва бошқа асарлардан келтирилган ўзлашма элементлар ўз даврида тилимизга қабул қилинган сўзларнинг умумий манзарасини тўлалигича акс эттира олади, дейиш тўғри бўлмайди албатта. Бу фикрни айтиш учун ўша даврда ва унгача яратилган бадий асарлардаги лингвопоэтик меросни қиёсан ўрганиб чиқиш лозим бўлади. Аммо келтирилган мисолларнинг ўзи ҳам маълум хулосаларга келишга имкон беради.

Биринчидан, тилнинг бойишида ҳамда ундаги элементларнинг функционал стилларга хос табақаланишида ички омиллар бирламчи саналса-да, ташқи омилларнинг аҳамиятидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бадий услуб доирасида қараладиган, чет сўзлар тарзида қайд этилган арабча ва форсча-тожикча бирликларнинг салмоқли миқдори буни исботлаб турибди.

Иккинчидан, ташқи омиллар таъсирини фонетик, морфологик, синтактик ва лексик бирликлар шаклида олиб қарайдиган бўлсак, ушбу тўрт ярус орасида лексик омил етакчи эканлиги маълум бўлади.

Учинчидан, юқоридаги асарлар мисолида диахроник планда олиб қаралган ўзлашма сўзларнинг кўпчилиги умумистеъмолдаги бирлик шаклида ҳам, бадий адабиёт тилига хос элемент сифатида ҳам ишлатилиб келинмоқда. Аммо барча чет элементлар ҳақида ҳам бу гапни айтиш тўғри бўлмайди. Бунга мисол тарзида абёт, абизон, авсоф,

адно, аммора, амсол, анжас, армуд, асвод, атиббо, афъол, ашжор, баввоб, бадиъ, бадрақа, базл, базоат, балият, барбат; бармаки, басал, батолат, бирка, булуғийят, бурахна, бухул; вабол, вагар, вараъ, вард, вудд, вақоҳат; габр, гила, гузоф, гуворин, гуланкабин, гунбад; даракат, дароҳим, дарюза, дафотир, диroyат, дуруд, духул, жалиб, жидол, жинон, жироб, жофий, жубба, жумод: зажр, заллат, зарроқ, зиёдат, зуфунун, зуқоқ, зуҳд; ибно, ибриқ; калбуд, қиёсат; лаън; мазих, мизоҳ. муарриж, мустамаъ, мутадайн, муфлис, муфозаа, муътабад, муқир; навишта, наът; пашимани; рикқат; сафиҳ, саҳоъ; таъала; удвон; фаридун, фарр, фихрат, футувват; хирад, хири; шухбат; қабоб, қавий, қассор, қаҳти, қубх, курса, қутн; ҳабас, ҳабб, ҳанзал, ҳарис, ҳибот, ҳижоб, ҳилм, ҳирз, ҳифз, ҳуруф каби кўплаб истеъмолдан чиқиб кетган сўзларни келтириш мумкин.

Хуллас, айтилганлардан келиб чиқиб, адабий тилимизга бадиий услубга хос бўлган чет сўзларнинг кириб келишида XI-XIII асрлар айниқса XIV асрда яратилган адабий меросимизнинг аҳамияти сезиларли бўлганлигини таъкидлаш ўринли бўлади.

Шарқ адабиётида 1400 йилдан ортиқ давр мобайнинда турли тиллар ва жанрларда яратилган бадиий асарлар мазмуни ва тилига VII асрда шаклланган ислом динининг таъсири ҳам етакчи ижтимоий омиллардан бири бўлиб келди. Бу, айниқса, Хуросон ва Мовароуннаҳр халқлари маданиятида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Е.П.Челишев бу ҳақда қуйидагиларни ёзган эди: «Шарқ адабиёти тарихини тадқиқ этишда поэтика ва унинг икки аспектига —маълум миллий адабий анъанадаги бадиий асар қурилишининг умумий принципларига ҳамда «безалган нутқ»нинг норматив кўрсатмалари ва тузилиши қоидаларига мурожаат қилиш катта аҳамиятга эга. Адабиётни поэтологик, биринчи навбатда тарихий поэтика планида ўрганиш Шарқдаги адабий жараённинг ўзига хослиги, кўпинча унинг узлуксиз бир адабий тил оқимида бўлиши билан боғланганки, бу нарса анъананинг жуда катта кучини, ҳатто баъзан минглаб йиллар давом этган асосий эстетик ва бадиий принциплар турғунлигини таъминлаган. Дин қадимги ва ўрта асрлар типига адабиётларнинг бундай барқарорлигини таъминлашга хизмат қилган».

Ислом динининг ҳукмронлиги Мовароуннаҳрда X асрдан тортиб то XX асрнинг бошларигача давом қилиб келди. Бу даврлар ичида ёзилган бадиий асарларда ҳам ислом ақидалари ва фалсафасининг таъсири, шубҳасиз, етакчи эди.

Шарқ халқларининг қадимий маданияти тарихидаги ислом тарқалгандан кейинги энг актуал ижтимоий масала суфизм масаласи ҳисобланади. Чунки ислом ўрта асрлардан бошлаб халқларнинг дунёқараши -дин сифатида амалда бўлибгина қолмай, маълум даражада ҳаёт кечириш тарзига ҳам таъсир қилди. Шундан келиб чиқиб, Оллоҳ Ҳақиқат ва Гўзаллик сифатида адабиётда, санъатда ва мусиқада маълум кўринишларда ўз ифодасини топди.

Ислом дини ижтимоий оқим сифатида ўзи амал қилган жойлардаги халқлар тилларининг бойишига ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Жумладан, суфизм таълимоти ва унинг кўпгина оқимлари ғояларини ифодаловчи маълум гуруҳ сўзлар ҳам дастлаб бадиий адабиётда пайдо бўлиб, у Шарқда «лисон ул-ғайб» (сирли тил ёки сирлар тили) деб аталиб келинган.

Бу таъсирни XII асрлардаги форс-тожик тилида ёзилган ғазаллардан бошлаб кузатиш мумкин. Аммо аста-секинлик билан ғазалнинг тематик қамрови кенгая борди. У XII асргача фақат оллоҳ мадҳияси, ҳаддан ташқари мақтови билан ёзилган бўлса (панегирик усул), ундан кейин эса ижодда хузур-ҳаловатга интилишни инсонга хос олий хислат деб ҳисобловчи ахлоқий таълимотга (гедонизмга) амал қилина бошланди. Бу ҳам идеологик ҳаракат сифатида суфизм оқимининг пайдо бўлиши ва кенг ёйилишига боғлиқ равишда вужудга келган эди. Ўзбек адабиётида XII-XIII асрларда яратилган Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» ва Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарларида ҳам бу ҳолатни кўриш мумкин.

Алишер Навоий ижодида ҳам ислом дини таълимотига оид фикрлар ҳамда Қуръоннинг сура, оятларидан келтирилган фикрлар, парчалар, иборалар мавжуд. Диний лексик элементларнинг шоир асарларининг деярли барчасида учраши уларнинг шарҳи

берилган изоҳли луғатда кўрсатиб ўтилган. Алишер Навоийнинг дунёкараши, бадиий тафаккуридаги умумлашмалари ислом-суфистик таълимоти синтездан ўтказилгани улардан сезилиб туради, албатта.

Улуғ мутафаккирнинг диний фалсафаси чуқур ва алоҳида тадқиқот олиб боришни тақозо қиладиган масъулиятли вазифадир. Бу ўринда шоир асарлари тилидаги маълум қисм диний сўзларга бадиий услубнинг бир филологик манбаси сифатида қаралади, холос.

Тўғри, қадимги туркий тилда ҳам оз бўлса-да, динга алоқадор бир қанча туркий сўзлар қўлланган. Масалан, Ўрхун-Енисей ёдномаларида — худо маъносида ишлатилган бўлса, «Девону луғатит турк», «Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ва бошқа манбаларда худо, оллоҳ, тангри маъносида байат, рабб, уған, танри сўзларидан фойдаланилган. XIV аср Хоразм ёдномалари тилидаги яздан, худа сўзлари ҳам оллоҳ тангри маъносини англатган. Лутфий асарлари тилида шу маънони берувчи элемент уқан/уған вариантларида ва архаиклашган иди/изи шаклида учрайди. Лекин ижодида чуқур мазмун ва шаклий ранг баранглик акс этган тилимизнинг улуғ билимдони Алишер Навоий асарларига ҳар бир тил фактининг изоҳини беришда қайта-қайта мурожаат қилиш ҳар қандай тадқиқотчи учун ҳузурбахшдир.

Тилимизда, хусусан Навоий ижоди мисолида поэтик асарларда намоён бўладиган диний сўзларни ташқаридан таъсир этган фактор сифатида шартли равишда иккига бўлиб қараш мумкин: арабча ва форсча-тожикча диний сўзлар. Бу бирликлар маълум ижтимоий-сиёсий масалаларни ёритишда, конкрет мавзулардаги, масалан ахлоқий-таълимий, ҳажвий, риндона, публицистик, асарлар таркибида ишлатилиб, энг аввало ўзининг дастлабки вазифасини—алоқа вазифасини бажарган бўлса, иккинчи томондан катта бадиий-эстетик таъсир ўтказишга хизмат қилганлиги шубҳасиздир. Мана бу мисолга эътибор берайлик: мусҳаф - қуръон (диний китоб), оят, қуръон жумласи: Юзунгда зарварақ ҳарёнки лутфи бениҳоятдур, / Жамолинг мусҳафида ҳар бири гўё бир оятдур (Ғаройиб ус-сиғар).

Навоийнинг диний тушунчаларни ифодаловчи сўзлари ҳар хил маъноларда қўлланилиб, ўзбек поэтик адабий тилининг ифода имкониятларини янада кенгайтирганлигига юқоридаги байтдаги мусҳаф ва у билан мазмунан боғлиқ бўлган оят сўзларининг ҳолати ёрқин мисол бўла олади. Бундай сўзлар эса юзлаб учрайди.

«Ҳазойин ул-маоний»да қўлланилган исломга доир арабча сўзлар:

дуо - худодан ёлвориб яхшилик тилаш,

замзам - Каъба яқинидаги қудуқ, чуқур,

зуҳд - дунёдан воз кечиш, тоат-ибодат билан шуғулланиш,

тоат-ибодат - диний буйруқларни бажариш,

лоилоҳаиллаллоҳ - бир худодан (оллоҳдан) бошқа илоҳ йўқ,

илоҳ - худо, оллоҳ,

илоҳий - худога тегишли,

имом - пешво, номозда олдинда турувчи,

имомат- имомлик,

истихора - диний тушунчага кўра кўнгилдаги мақсаднинг ҳосил

бўлиши ёки бўлмаслигини билиб олиш тилагида туш кўриш учун ният қилиб

ухлаш, туш орқали фол кўриш,

қаҳф - сиғинадиган жой,

ладунний улум - уринмасдан худо томонидан етишган деб ҳисобланган илоҳий илмлар.

лиллаҳ/лиллоҳ - худо учун, азбаройи худо,

лотуманот - исломдан илгари араблар чўқинган бутларнинг номи,

зоҳид - дунёвий ишлардан юз ўгириб тоат-ибодат билан машғул бўлган шайх,

мазҳаб - диннинг бирор тармоғи,

масжид- сажда қилинадиган, намоз ўқиладиган жой,

намоз - ибодат, мусулмонларнинг кунда беш вақт худога қаланадиган ибодати,

жаннат - кўркам, обод д и н и й боғ,
кофир- ғайри дин, ислом динини тан олмовчи,
имон - ишонч, эътиқод,
тасбиҳ- тасбиҳ,
зуннор -мусулмон давлатларида яшовчи христианлар мажбуран белига боғлаб
юрадиган маълум бир рангдаги чилвир,
машҳар - қиёматда инсонлар тўпланадиган майдон, қиёмат,
машҳар аҳли - қиёматда тўпланувчилар,
мубоҳ - диний қоида юзасидан рухсат этилган (жоиз бўлган) иш,
хонақоҳ - шайхлар, дарвешлар зикр ўтказадиган жойи, масжид,
шайх- сўфилар бошлиғи, эшон,
муршид - сўфиликда пир, эшон,
биллаҳ худо ҳақи, азбаройи худо (қасам),
мусулмон - ислом динидаги шахслар
ва ҳоказо.

Бу келтирилганлардан ташқари яна «Ғаройиб ус-ғсиғар»да: наби, наът равза, рамл,
расул, риёзат, руҳоний, руҳуллоҳ, салиб, тавф, тақво, тилсим, халлоқ, Қуръон;

«Наводир уш-шабоб»да: зиндик, мажус/мажусий, мазорат /мозор, мубтадиъ,
мужавваз, муаззин, обид, сабҳа/субҳа, савмаа/савомий, сайид, салавот/салот, салоҳ, сулун,
сумнат, сўфий, тазарруъ, тафсир, тавба, фақиҳ, фикх, шаръ, ширк, қибла, қиёмат, ҳашр;

«Бадойиъ ул-васат»да: жаноза, калимуллоҳ, ливо, мосиваллоҳ, маоб, набий
олло/набиуллоҳ, омин, рисолат, роқий, рух, ул-қуддус, тарсо, таъвиз, тоиб/ тойиб, тумор,
фано, хирқа, холик, хутба, шайъаниллоҳ, шариат, эзид;

«Фавойид ул-кибар»да: марқад, мусалло, охират, раббано, расулуллоҳ/ расулаллоҳ,
розик, руҳоният, тавоф, тамуғ / томуғ, тариқат, укбо, фатво, фарз, фарзусунан, хир сингари
диний тушунчаларни англатувчи арабча сўзлар ишлатилганки, «Алишер Навоий асарлари
тилининг изоҳли луғати»да уларнинг маънолари берилган.

Шарқ назмиёти тилида диний ва мифик сўз-терминлар орасида айниқса
антропонимика (киши исмлари) алоҳида аҳамият касб этган. Шу туфайли пайғамбарлар
номлари ва бошқа илоҳий номлардан ҳам хилма-хил маънавий тушунчаларни билдиришда
кенг фойдаланилган. Масалан, Ёқуб—ҳасрат, аламни, Сулаймон—ботирликни, Юсуф—
гўзалликни, Аюб—сабрни, Довуд—гўзал, ёқимли овозни, Исмоил—фидокорликни,
Иброҳим— жасоратни, Мусо/Масих/ Исо—ўликни тирилтирувчини, Рустам
қахрамонликни ифодалаган: Магар Масих ила Довуд сен нафас билаким, Ҳаёту мавут
эрур ул аломат, эй Ҳофиз (Ғаройиб ус-сиғар)/Ғаройиб ус-сиғар/, Бу ғуссадин дедимки,
бўлай умрум охири, Шоҳи сипеҳр қадри Муҳаммад Умар била /Ғаройиб ус-сиғар/, Эй
кўнгул, нақди ҳаётинг қил фано йўлида сарф, /Ҳайф эрур гар бўлса умри Нуҳ учун
сийғалғудек /Ғаройиб ус-сиғар/, Гар Навоийга Сулаймон мулкича бордур не тонг./ Буки
Билқиси замон назмини таҳсин айламиш /Ғаройиб ус-сиғар/, Орзу айлар лабинг оллинда
жон бермаки Хизр,/Хизр суйидин ўлук умр айлатандек орзу /Ғаройиб ус-сиғар /, Юсуфим
ҳажрида Яъқуб и ғам ичра, мутрибо,/ Уйла менким, хушлуғум йўқ наҳмаи Довуд ила
/Ғаройиб ус-сиғар/, Чиқарға бу вайронадин чора йўқтур,/ Гар Одам ва гар Нуҳ ва гар Сому
Ёфас /Наводир уш-шабоб/, Сенга надим ўлибон Жабраил ҳам кетуруб,/ Бир ошно
қошидин барча ошно алфоз /Наводир уш-шабоб/, Даҳр золиға кўнгул бермаки,
Рустамларни /Макр ила айлади ожиз бу ситамгара ожуз / Вадойиъ ул-васат/ Ақли ҳар
ишта расо, таъби солим,/ Ким эрур нақди Ҳусайн Иброҳим /Фавойид ул-кибар/ каби.

Афсонавий ёки тарихий шахсларга мурожаат қилишдек бу анъана ҳозирги ўзбек
поэзиясида, хусусан Э. Воҳидов, А. Орипов, О. Матжои каби шоирлар ижодида
ривожлангандир.

Форсча-тожикча сўзлар:
дўзах — жаҳаннам, тамуғ,
муғ—мажусий, ўтга чўқинувчи,

муғон—муғлар,
парастиш—топинувчилик, сиғинувчилик,
парвардигор—худо, оллох, яратувчи,
рустахез/рустохез/рустхез – киёмат, машҳар,
рўза—рамазон ойида рўза тутиш, рўза,
тумор—дуо ёзилган қоғоз, уч бурчак солиб тикилган тақинчок,
хонақоҳ/қоҳ/қо—масжид, сўфиларнинг йиғиладиган жойи,
худо/худой—оллох, тангри,
чилла—қирқ кун ўтириш,
яздон—тангри, худо, оллох,

Мисоллар: Ўртар эди бу ўт ул санамни./Дўзахқа солиб гули Эрамни / Лайли ва Мажнун/, Қочса Навоий шайхдин пири муғон сори не айб./ Ким бор тафовутлар баса мақбул ила мардударо /Фавойид ул-кибар/, Дедиларким: — Кирдигоринг ким дурур./ Холику парвардигоринг ким дурур/Лисон ут-тайр/, Сарву ғунчанг жилваси куйдирди элни оҳким./Даҳраро тубию кавсар бирла солдинг рустхез /Ғаройиб ус-сиғар/, Манға гар бу навъ айласанг ёрлик, /Санга доим ўлсун худоёр, ахий/Бадойиъ ул-васат/.

Форсча-тожикча деб қаралаётган кўпчилик диний сўзларнинг ҳам ўзаги аслида арабча бўлиб, ўзлашиш жараёнида форсча-тожикча аффикслар ёрдамида янги сўзлар ясалгандир. Баъзан эса форсча-тожикча компонентнинг ўзи ҳам сўздан иборат бўлган: малак+ваш, мусулмон+ваш, сўфий +ваш, зоҳид+ваш, масиҳо+вар, ибодат+гоҳ, сажда+гоҳ, қибла+гоҳ, дуо+гўй, дин+дор, мотам+зада, сайид+зода, мотам+када, тавба+кор, зуҳход+кўш, равзан+монанд, мусхаф+навис, қибла+намо, мо-там+нома, пайғамбар+ойин, масиҳ+ойин, жаннат+осо, жаннат+осор, расул+она, дин+паноҳ, лот+параст, сумнот +параст, мот ам+саро, малак+сиймо, сажда+соз, имон+сўз, зуҳд+фуруш, меҳроб+хон каби.

Ҳар иккала компоненти ҳам форсча-тожикча бўлган сўзларга айрим мисоллар келтирамиз: оташгах/оташгоҳ, оташкада—ўтга топинувчиларнинг ибодатхонаси: Киши ҳайъати бирла жунбушнамой, /Ул оташгоҳ ичра ҳароратфизой /Садди Искандарий/, Мулки Насриғаким, иниси эрди, топшурди ва ўзи уч минг киши бирла Озарбайжон оташкадасиға борурмен деб элдин чиқди /Тарихи Мулки Ажам/;оташпараст— топинувчилик, сиғинувчилик: Қошларингдур гўйи икки ҳиндувий оташпараст./Майл қилғон саждаға ўтлуғ узоринг ёнида /Наводир уш-шабоб/.

Ўзбек классик адабиёти бадиий услубидаги диний тушунчаларни ифодаловчи бирликларни қадим даврлардан тортиб XX асрнинг биринчи чорагигача ёзилган, асосан назмий асарлар тилида кузатиш мумкин. Таъкидлаганимиздек, улар маълум ижтимоий-сиёсий фикрларни ифода этишдан ташқари, поэтик асарларда бадиий-эстетик вазифани бажаришга хизмат қилган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади деган фикрдамиз.

Жуда қадим даврлардан бошлаб Шарқ халқлари тили, адабиёти ва маълум даражада маданиятига юнон-грек маданиятининг таъсири сезиларли даражада бўлганлиги тарихий манбалардан маълум. Бу таъсир даставвал араб ва форс-тожик тили ҳамда адабиётида кўрина бошлаган. Кенг филологик таъсир Александр Македонскийнинг Кичик ва Ўрта Осиё ерларини босиб олган даврдан бошланиб, кейинчалик асрлар мобайнида юнон-грек маданияти, адабиётини ўрганиш натижасида ҳам давом қилиб келган.

Маълумки, Александр Македонский юнон-грек ва Шарқ халқларини маданий, сиёсий жиҳатдан бирлаштиришга ҳаракат қилган, ўз навбатида Юнонистондан келган халқлар ҳам маҳаллий, ҳам юнон-грек тилларида сўзлашиб, икки тиллиликларни пайдо қилганлар.

Мана шундай ташқи—экстралингвистик таъсир натижасида X-XV аерлардан бошлаб ўзбек адабий тили луғат фондида маълум юнонча-грекча сўзлар ҳам пайдо бўла бошлаган. Бугунги кунда тилимизда мрамор, марварид, нон, нонвой, номус, пиёла, совун каби юнонча-грекча сўзлар фаол ишлатилиб келинмоқдаки, улар аслида ўз тилимиз бирликларими ёки четдан қабул қилинганми—кўпчиликни деярли қизиқтирмайди ҳам.**

Шу нарсанинг ўзиёқ тилимизга кириб келган чет сўзларнинг кўпчилига хос бўлган хусусият—умумистеъмолда бўлиш имконияти юнонча-грекча элементларга ҳам алоқадор эканлигини кўрсатади. Айтил-ганлар масаланинг бир томони бўлса, иккинчидан, улар ўз сўзларимиз қаторида, у ёки бу даражада бадииятга хизмат қилган ва шундай бўлиб келмоқда.

Бу туркум сўзларни Алишер Навоий ижодидан олинган айрим намуналар мисолида кўриб чиқиш фикрни қатъийлаштиради, деб уйлаймиз. Чунки, ўзбек адабий тили, ўзбек классик адабиётининг асосчиси, ўзбек бадиий услубини энг олий поғонага олиб чиққан улуғ бобомиз назмиётида ҳар қандай тил бирлиги ҳам ўзининг такрорланмас поэтик мазмуни ва кўринишларига эга бўлганлиги исбот талаб қилмайди.

Назаримизда, шоир ижодида учрайдиган юнонча-грекча сўзларнинг қуйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатса бўлади:

1. Юнон-грек тилларига оид сўзлар асосан поэтик асарларда кўзга ташланади. Алишер Навоийнинг бу каби сўзларни ўзбек классик шеърияси талабларига мос ҳолда турлича вариантларда қўллаганлиги шундай деб айтишимизга имкон беради. Масалан: арғанун/арғунун—бир турли чолғу асбоби(орган), биллур/буллур—оқ шаффоф тош (хрустал), симё /симийё—асоссиз ва мавҳум бир «илм» нинг номи, гўё унинг воситаси билан ҳақиқатда мавжуд бўлмаган ажойиб ва ғаройиблар кўзга кўринар эмиш, ҳафтон /қаптон—устдан кийиладиган ҳашаматли тўн, қандал/ қандил—кўп шам ўрнатилган, безакли осма шамдон кабилар: Арғанун савтию уни бирла ҳар ён,/Юз муғона амалу қавл ила ғавғо эрди /Фавойид ул-кибар/, Сипехр гунбазини равшан этгали, зотинг,/Чароғ ўлуб, анга қандил арсан афок /Ғаройиб ус-сиғар/.

2. Бу бирликларнинг маънодош шаклларида фойдаланилган: қақнус /қақнусвор/қақнуслик—мавҳум афсонавий қуш номи, афсонага кўра тумшуғида жуда кеп тешиклар бўлиб, бу тешиклардан чиққан овозлардан гуё музика ўйлаб чиқарилган эмиш, қақнусга ўхшаш, қақнусдек —қақнусга оид; мрамар/мрамарий—рангли тош, мрамардай (оппоқ), қирандуд/қийрандуд/қийргун, қиргун—тим қора, тим қоронғу, қора тусли, қора рангли; барбат/барбатзан/барбатнавоз—ўрдак шаклида ясалган қадимги чолғу асбоби, барбатни чалувчи, чаладиган сингари: Чунки қақнуслик айлабон изҳор, /Ўт солиб олам ичра қақнусвор (Сабъаи сайёр), Бовужуди жамоли фитнес-фиган,/ Бор эмиш хуш навоу барбатзан (Сабъаи сайёр), Қуёшчехралик шўхи барбатнавоз,/Ки жон риштаси тор анга чолса соз (Садди Искандарий).

3. Алишер Навоий ўзбек ва форс-тожик тилларининг сўз яшаш имкониятларидан эркин фойдаланиб, тилимизни юнонча-грекча сўзлардан ясалган янги бирликлар ҳисобига бойитган. Биргина мисол: зумуррад/ зумуррат/зумрад/—яшил тусли қимматбаҳо тош, яшил, сабз ранг: Боғбонға чун ғино айлаб насиб эҳсонинг илги, /Хўша-хўша гоҳ зумуррад, гоҳ лаъли ноб осиб раз (Наводир уш-шабоб), Хаттини кўрдик лаб узра, гар зумуррат хат киши,/Кўрмади лаъл узра ё шинграф уза зангор хат /Бадойий ул-васат/.

Бу сўздан ясалган янги бирликлар:

зумуррадгун—яшил тусли, зумрад рангли: Гўйийё тўти хатинг бирла лабингдин сўрди нутк,/Ким либос ўлди зумуррадгун анга минқор лаъл (Наводир уш-шабоб);

зумуррадий—яшил сифат: Гулға берибон зумуррадий тахт,/Ғунча киби айладинг жавон бахт/Лайли ва Мажнун/;

зумурраднишон—яшил, яшиллик белгиси: Ёри сабза бирла зумурраднишон,/Анга чархи мино забаржадфишон (Садди Искандарий);

зумуррадпўш —яшил кийимли, яшил рангли кийим-кечак: Ул ики раҳрави зумуррадпўш,/Раҳнамоий анинг, нечукки сурўш (Сабъаи Сайёр);

зумуррадфом—яшил тусли, зумрад рангли: Олибон дамба-дам ичиб Баҳром, / Ойдин ул соғари зумуррадфом (Сабъаи Сайёр) ёки иқлим /иқлимгир—жаҳон, дунё; жаҳонгир, жаҳонни эгалловчи: Чунки Сикандар шоҳи иқлимгир,/Бўлди жаҳон мулкида соҳибҳарир (Ҳайрат ул-аброр).

Яна дирхам/дирам—танга, кумуш танга ва ундан ясалган дирамсанж—пул ўлчовчи ҳамда дирампош-дирам (танга) сочувчи, сахий сўзларига эътибор берайлик: Косиб кунжи кафи зар олғинчи эрур./Икки қўли мезони дирамсанжиб эрур (Назм ул-жавоҳир), Бировдин бировга етишмай ғаме./Кишидин киши олмайин дирхаме (Садди Искандарий), ...улавода баҳор насими шукуфа яфроғин тўккандек дирампошлик қилиб... (Лайли ва Мажнун).

Шунингдек, афюн—қорадори, опиум = афюний; номус-обрў, иззат-нафс, орият = номусланиб, номуслук; нон= нонвой; собун = собунхона, файласуф-билимдон, доно=файласуфваш сўзлари ҳам Алишер Навоий томонидан юқорида сўз юритилган моделлар асосида ясалган тил бирликлари саналади.

4.Навоий асарларида унинг қомусий олим эканлигидан далолат берувчи бир факт борки, гарчи у бадий услубга бевосита алоқадор бўлмаса-да, шу ўринда келтиришни лозим топамиз. Улуғ шоир воқеалар баёни муносабати билан «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандарий» ва бошқа асарларида ўз даврининг таниқли кишилари бўлган юнон-грек подшолари, файласуфлари ҳамда бошқа соҳалардаги олимларнинг номларини келтирган: Арасту, Асқалинус, Балинос, Сукрот, Фарфунюс, Шаминос каби. Келтирганда ҳам уларни кўпчилик ҳолларда ўзбек поэтик нутқи талабларига итоат этириб, турлича вариантларда қўллайди: Искандар/Сикандар/Скандар; Пайлакус/Файлакус; Букрот/Букротус; Файсоғурс/Фисоғурс; Филотун/ Афлотун; Ҳурмуз/Ҳурмус тарзида: Ки айлаб тўрт юз доно билан жаҳд,/Алардин ҳар бир Афлотунга ҳамаҳд (Фарҳод ва Ширин), Филотун сўзидурки: «Эй сарфароз! /Ҳақ этмиш сени халқдин бениёз (Садди Искандарий).

Кўринадики, эски ўзбек адабий тили ёзма манбаларида ишлатилган юнонча-грекча сўзлар ўзбек поэтик услубининг тараққиётида, унинг бошқа услубий шакллардан ажралиб, мустақил бўлишида маълум даражада ижобий роль ўйнагандир.

Ўзбек бадий услубининг шаклланиш босқичларида генеологик жиҳатдан бошқа тилларга алоқадор бўлган сўзларнинг бирқадар хиз-матлари борлиги юнон-грек элементлари мисолида маълум бўлди. Бир қатор ҳиндча сўзлар ҳам ана шундай тил бирликлари сифатида ўзбек поэтик адабий тилининг бойлиги фондидан ўрин олган. Уларнинг тилимизга ўзлашиши бевосита ёки билвосита бўлганлигига эътибор бермасдан фақат XV асрнинг II ярми ўзбек классик адабиёти намуналарида, хусусан Алишер Навоий асарлари тилида шаклий ва мазмуний ранг-баранглигини кўриб чиқиш билан чекланамиз.

Ўзбек тили луғат составидан мустаҳкам ўрин олган, бугунги кунда ҳам тилимизда қўлланилиб келинаётган авж, банги, нил, пайса, товус, шакар сингари ҳиндча сўзлар улуғ мутафаккирнинг асосан шеърий асарларида ишлатилган.

Гарчи уларнинг туб сўз ҳолатидаги бадий қиммати ҳақида гапириш қийин бўлса-да, уларнинг турли шаклий ўзгаришларга учраган кўринишлари Навоий қаламида кучли поэтик воситага айланганлигининг гувоҳи бўламиз. Шоир улардан фойдаланар экан бу сўзларни бутунлай ўзбек тили қоида-қонунларига бўйсундиради, ўзбекча, форсча-тожикча моделлар асосида янги поэтик сўзлар ясайди ёки шу тарзда илгаридан ясалган шаклларида фойдаланади. Масалан ш а к а р бирлигини олиб қарайлик.

Уни поэтик нутқ талабига мос равишда, к ни фонетик ўзгаришга учратган ҳолда (геминация ҳодисаси) қўллайди: Киши ҳамзал экса аччиқ бар топар/Ва гар найшакар экса ш а к к а р топар (Садди Искандарий).

Янги сўзлар ясайди:

шакарбор—ширин сўзли: Магар Фарҳод жонидин сизиб қонидин этти ранг, /Қадар суратгари Ширин лаби лаъли шакарборин (Ғаройиб ус-сиғар);

шакаргуфтор—ширин ва қимматли сўзлар сўзловчи: Гар Навоийнинг сўзи ширину рангиндур, не тонг,/Ким эрур кўнгида доим ул шакаргуфтор лаъл (Наводир уш-шабоб):

шакаргуфторлиғ—ширин, ёқимли сўзлашлик: Менинг ёримда онидурки, андин ўртанур жоним,/Ки они ҳар кўёш юзлук шакаргуфторлиғ билмас (Ғаройиб ус-сиғар);

шакарханд—чиройли кулувчи, нозланиб кулувчи: Не ачиғланмоқдур андин, не чучук сўз, эй кўнгул, / Хоҳ аччиғ йиғлайди, хоҳи шакарханд айлайин (Ғаройиб ус -сиғар);

шакархандалиғ—табассум билан чиройли кулишлик: Қадду оғзинг хажрида гулшанға майл этмонки, йўқ/Сарв дилкаш жилвалиғ ё ғунча шақкархандалиғ (Наводир уш-шабоб);

шакархоб—тонгдаги ширин уйку: Вахти ҳар кирпиги бир ништар эрур зухи олул, /Гарчи бор ул ики наргисда шакархоб тўла (Ғаройиб ус-сиғар);

Б. Бафоев Навоий асарларида қўлланган ҳиндча сўзларнинг 70 дан ортиқ эканлиги ҳақида маълумот беради. Бу ҳақда қаранг:

Бафоев Б. Навоий тилида ҳиндча сўзлар//. Ўзбек тили ва адабиёти, 1991. №4. 38-б. Уларнинг этимологияси бобида тўрт томлик. «Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» ва икки томлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»/М., 1981/га асосланамиз.

шаққаристон—ширин суҳбат: Не наво соз айлағай булбул гулистондин жудо, /Айламас тўти такаллум шаққаристондин жудо (Ғаройиб ус-сиғар);

шаққарафшон/шаққарфишон—ширин ва қимматли сўзловчи: Нечаким бўлсун чучук ширин такаллумлар сўзи/Лекин эрмас ул каломи шаққарафшондин чучук (Наводир уш-шабоб);

шаққархон—ширин сўзловчи: Барги гул узра дегай шаҳд ёпушмуш кўрган/Буки тутмишдур учук ул лаби шаққархони (Наводир уш-шабоб);

шаққархо—ширин сўзли: Гар шабистон ичида ҳожат эса шамъ ила нуқл, /Ҳам ўшул моҳу тобону лаби шаққархо бас (Наводир уш-шабоб);

шаққарлаб—севимли, ёр, маҳбуба: Муаллим куллуғига хат берурмен, /Гар озод ўлса ул сарви шаққарлаб (Фавоид ул-кибар);

шаққаррез—ёқимли, фасих шеърлар ёзувчи: Гар Навоий килкидек эл килки шаққаррез эмас, /Айб қилма: бирдек ўлмас найшақар бирла ғаров (Фавоид ул-кибар);

найшақар—шаққарқамиш: Айб қилма: бирдек ўлмас найшақар бирла ғаров (Фавоид ул-кибар);

Булардан ташқари Навоий ижодида шаққарборлиғ, шаққаролуд, шаққар, шикан, шаққарроб, гулшаққар сўзлари ҳам ишлатилган.

Ёки нил сўзидан ясалган янги бирликлар:

нилгун—кўкимтир, нилранг, кўк рангли: Сели ашким бирла тутмиш жумлаи оламни су, /Жумлаи олам неким, бу нилгун торамни су (Ғаройиб ус-сиғар);

нелий/нилий—нил рангли: Юзунг равшан зилолидур, ғазабдин чин онинг мавжи, /Ки нелий холдин ҳарён очилмиш нилуфар андо (Наводир уш-шабоб);

нилуфар/нилуфарий—кўк, кўкимтир ранг: Гунбад анга гунбади нилуфарий, /Равзаси сахни фалаки ахзарий (Ҳайрат ул-аброр).

Улар билан бир қаторда нилуфаргун ва нилуфарзор сўзлари ҳам ишлатилган.

Алишер Навоий томонидан ҳиндча сандал/ёғочи қора-сарик рангли, хуш исли дарахт/сўзи негизида ясалган сандалбўй, сандалгун, сандалиий, сандалмеза, сандалсо/сандалосо/сандалосой, сандаломуд, сандалфом сўзларида ҳам поэтик рух ҳукмрон.

Б. Бафоев «Навоий тилида ҳиндча сўзлар»* номли мақоласида юқорида тилга олинган бирликларнинг айримлари буюк сўз устаси томонидан биринчи марта қўлланганлигини қайд қилади. Афсуски, уларнинг кўпчилиги мутафаккир қўллаган тарзда ҳозирги бадий асарларимизда деярлик ишлатилмай келинмоқда. Битта мисол келтирамиз: Нилий гумбазлари кўк ичида кўк, /Ложувард осмонда чиний кабутар (Ғ. Ғулом).

Савол туғилади: ўзбек бадий адабиёти тили тарихида юқорида кўриб ўтилган ҳиндча сўзларга қандай эҳтиёж бор эди? Айтиш мумкинки, Алишер Навоий асарлари тилидаги бихор-мамлакат/ мулк, қатор/қатора—қилич/шамшир, пайса—танга, пул, жўги-лўли каби лексик параллелларни ҳисобга олмаганда, қўлланган ҳиндча бирликлардаги маъноларни бера олувчи сўзлар эски ўзбек тилида йўқ эди. Қолаверса, тилдан тилга бирликларнинг ўтиб туриши ижтимоий алоқалар ва муносабатларнинг қонуний давомидир. Кўпчилик сўзлардаги икки морфемадан тузилган сўзларнинг

иккинчиси ўзбек ёки форс-тожик тилининг сўз ясовчиси эканлиги шундан далолат бериб турибди. Мана шуларга кўра, ўзбек бадиий услубининг ифода воситаларини кўпайтириш ва кучайтиришда ҳиндча сўзларнинг ўрни табиийдир.

ХУЛОСА

Маълум бўладики, бадиий услубнинг шаклланиши, энг аввало, ўзбек тилининг адабий тил даражасига кўтарилиши билан боғлиқ бўлиб, бу жараён Н.А.Баскаков фикрича, XI-XII асрларга тўғри келади.

Дарҳақиқат, ўзбек тили қадимги туркий тил негизидан тортиб шу кунгача бўлган ўз тарихий ривожидан давомида грек-юнон, араб, мўғул, уйғур, форс-тожик ва рус каби бир қанча тиллар билан, бу тилларда сўзлашувчи кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг натижаси ўлароқ, ўзаро муносабатда бўлган. Бу алоқадорлик бошқа тиллардан ўзбек тилига қабул қилинган ва ўзлаштирилган, хусусан бадиий услубда акс этган элементлар тарзида намоёндыр.

Ўзбек тили тарихидаги ривожланишнинг мураккаб йўлини ҳисобга олган ҳолда шартли равишда унинг XIX аср II ярмигача бўлган даврини бир ва ундан кейинги тараққиётини иккинчи бир босқич сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шу маънода ўзбек тили бадиий услубининг шаклланиши ва ривожиданги биринчи даврида Шарқ тиллари ва адабиётларининг, иккинчи даврида эса рус ҳамда Европа тиллари ва адабиётларининг таъсири бўлганлигини пайқаш мумкин бўлади.

Ўзбек тилига бўлган бу ташқи таъсир асосан форс, юнон, араб, мўғул, рус, босқинчиларининг Туркистон тупроғини босиб олиш сиёсати билан, ислом динининг ижтимоий оқим сифатидаги ҳукмронлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Бизгача етиб келган «Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ» каби адабий-бадиий ёдгорликлар туркий халқлар поэтик тили шаклланиши ва ривожининг дастлабки босқичларида араб тили ва адабиётининг таъсири сезиларли бўлганлигидан далолат беради. Бу таъсир дастлаб поэзиядаги қасида ва ғазал каби жанрларнинг пайдо бўлиши ва тараққиётида ҳам кўринади.

XI асрдан бошлаб Хуросон ва Мовароуннаҳрда форс тилининг давлат тили сифатида эътироф этилиши сўзсиз бадиий ижодда ҳам ўзини сездирди. Дунё адабиётида катта мавқега эга бўлган X-XV асрда яшаб ижод этган форс-тожик шоирларининг туркий тилда ижод қилган классикларга бўлган дўстона таъсирини ҳам қайд қилмаслик мумкин эмас. Бунинг натижасида ўзбек адабиётида йигирмадан ортиқ жанрлар пайдо бўлди, тилимиз араб ва форс-тожик тилларидан олинган сўз ва иборалар ҳисобига яна ҳам кенгайиб бораверди. Нафақат ўзаро ҳамкорлик ва ёнма-ён яшаш, балки бу тиллардан қилинган таржималар ҳам ўзбек тилининг бойишига самарали таъсир кўрсатди. Сайфи Саройи, Қутб, Хоразмий каби шоирларнинг асарлари мисолида бу фикрни мустаҳкамлаш мумкин.

Юқорида қайд қилганимиз омиллар сабабли тилимизга умуман сўз қабул қилиш масаланинг бир томонидир. Иккинчи томони эса уларнинг ўзбек бадиий услубига бўлган бевосита таъсири ҳисобланади. Чунки, жуда кўплаб бирликлар тилимизга поэтик эҳтиёж туфайли кириб келди. Уларнинг бир қисми умумистеъмолдаги элементларга айланган, ўзбек тилида мавжуд бўлган аффиксларнинг қўшилиши натижасида янги маънолар ифодаладиган бирликлар сифатида мавжуд бўлса, иккинчи бир қисми поэзиянинг ўзида яшаб турибди. Шартли равишда диний сўзлар сифатида олиб қараганимиз бирликлар ҳам, юнон-грек, ҳинд тилларидан ўтган элементлар ҳам бу фикрнинг тўғри эканлигини тасдиқлайди. Алишер Навоий асарлари тилидаги чет тил элементлари мисолида бунга яна ҳам ишонч ҳосил қилдик.

Ўзбек адабиётида роман, повесть, фелъетон, памфлет, очерк, баллада, либретто, оперетта каби қатор жанрларнинг пайдо бўлганлиги эса рус ва у орқали Европа адабиётларининг таъсири деб баҳоланади.

Хуллас, ўзбек тили ва адабиётига четдан қабул қилинган тил элементларининг ва хатто адабий жанрларнинг қай даражада аҳамиятли бўлганлиги улардан фойдаланувчилар эҳтиёжини қанчалик даражада қондира олганлиги билан белгиланади, деган фикрдамиз. Бу тил элементларининг салмоқли қисми бадий услуб бирлиги сифатида яшаб келаётганлиги ҳам ана шу поэтик эҳтиёж оқибатидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев В.А., Орзибеков Р. Ҳувайдо//Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик, III том.—Тошкент, 1978.
 2. Абдуғафуров А, Бобораҳим Машраб//Ўзбек адабиёти тарихи, Беш томлик, III том.—Тошкент, 1978.
 3. Айдаров Г. Язык орхонских памятников древнетюркской письменности VIII века,—Алма-Ата, 1971.
 4. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик—Тошкент, 1983-1985.
 5. Афсаҳзод А. Лирика Абд ар-Раҳмана Джами//Проблемы текста и поэтики.—М., 1988.
 6. Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков,— М., 1962.
 7. Бафоев Б. Навоий тилида ҳиндча сўзлар//Ўзбек тили ва адабиёти, 1991, № 4.
 8. Бафоев Б. Навоий асарлари тилида юнонча-грекча лексик қатлам//Ўзбек тили ва адабиёти, 1991, № 6. М
 9. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари.—Тошкент, 1985.
 10. Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы.—М., 1960.
 11. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. — Тошкент, 1974.
 12. Гафуров Б. Г. О связях Средней Азии и Ирана в Ахменидский период /VI—IV вв. до н. э.// Избранные труды. —М., 1985.
 13. Древнетюркский словарь. — Л., 1969,
 14. Ирисов А. Аристотель поэтикаси ва унинг Шарқдаги издошлари// Аристотель. Поэтика, — Тошкент, 1980.
 15. Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг лирик мероси// Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик, II том. — Тошкент, 1977.
 16. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. — Тошкент, 1983.
 17. Каримов Г. Мавлоно Муқимий. Асарлар. — Тошкент, 1974.
 18. Лихачев Д. С. Поэтика древнерусской литературы — М., 1979.
 19. Литературный энциклопедический словарь. — М., 1987.
 20. Мирзаев А. Рўдакӣ ва инкишофи ғазал дар асрҳои X-XV Сездаҳ мақола. — Душанбе, 1977.
 21. Навоий Алишер. Муҳокамат ул-луғатайн. Асарлар, 14-том. — Тошкент, 1967.
- 42-
22. Наджип Э. Н. Историко-сравнительный словарь тюркских языков XIV века, книга I. — М., 1979.
 23. Носиров О., Жамолов С, Зиёвиддинов М, Ўзбек классик шеърियाи жанрлари.— Тошкент, 1979.
 24. Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар,—Тошкент, 1976.
 25. Пригарина Н.И. Хафиз и влияние суфизма на формирование языка персидской поэзии//Суфизм в контексте мусульманской культуры.—М., 1989.
 26. Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати.—Тошкент, 1979.
 27. Рустамов Э. Узбекская поэзия первой половины XV века,—М., 1963.

28. Стеблева И. В. Рифма в тюркоязычной поэзии XI века//, Советская тюркология, 1970, № 1.
29. Суфизм в контексте мусульманской культуры.— М., 1989.
30. Тўйчиев У. Алишер Навоий назмида банд тартиботи ва шеър навлари//Ўзбек тили ва адабиёти, 1991, № 4.
31. Фазылов Э. Староузбекский язык. Харезмские памятники XIV века, том 1.— Ташкент, 1966., том II.—Ташкент, 1971.
32. Чельшев Е. П. Теоретические и методологические проблемы изучения истории литератур народов Востока//Советское востоковедение. Проблемы и перспективы.— М., 1988.
33. Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI-XII вв.).—М., 1974.
34. Шомаксудов А. Муқимий сатирасининг тили.—Тошкент, 1971.
35. Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик, 1 том.—Тошкент, 1959.
36. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик.—М., 1981. |
37. Ўзбек тили лексикологияси.—Тошкент, 1981.
38. Қўнғуров Р., Каримов С. Зулфия поэзияси тилининг луғати. Конкорданс,— Тошкент, 1981,

МУНДАРИЖА

К и р и ш	3
Ўзбек тили бадий услуби ва Шарқдаги анъанавий адабий жанрлар	6
Четдан олинган тил бирликлари ва уларнинг бадий услубдаги ўрни	15
Хулоса	39
Адабиётлар	41

Св. план, 1992

Каримов Суюн Амирович

Функциональные особенности художественного текста

Редактор Турниёзов Ф.

Босмахонага берилди 01.XI.92. Босишга рухсат этилди 20. XI.93.
Босмахона қоғози. №2 Ҳажми 3 б. т. 500 нусха. Баҳоси 30 сўм.

703004, Самарқанд ш, Университет хиёбони 15, СамДУ босмахонаси.